

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти



Магистратура бўлими

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 33:658.6:64

Тайлакова Дилафруз Боймаматовна

**Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни
ривожлантириш йўллари**

Мутахассислик: 5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа)

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. С.Н.Хамраева

“ _____ ” _____ 2015йил

Қарши – 2015й

Мундарижа

Кириш	5
I боб.Ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари	12
1. Мамлакатни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти	12
2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши	20
I боб бўйича хулоса.....	31
II боб. Ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили	32
1. Қашқадарё вилоятида ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш тенденциялари.....	32
2. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари	40
3. Ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	44
II боб бўйича хулоса	49
III боб. Ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари	50
1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бўйича илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўналишлари	50
2. Ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва йўналишлари истиқболлари.....	64
3. Хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	71
III боб бўйича хулоса	77
Хулоса	79
Фойдаланилган адабиётлар	82

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида, иқтисодиётда эришган ютуқларнинг асоси-бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши билан баҳоланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “...ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз”¹, - деб таъкидлаб ўтганлар.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни ривожлантиришга замин яратди. КБХТни мамлакатимиз ички имкониятларидан келиб чиқиб, ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш долзарблигича қолмоқда. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этишда ўз ечимини кўтаётган қатор муаммолар мавжуд.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини олдида турган муҳим масалалардан биридир. Хусусан, мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этилаётган

¹ Каримов А.И. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. – 2015. 17 январ

ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини оширишнинг истиқболини белгилаш, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва шу соҳада илмий жихатдан асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Чунки бозор муносабатларини такомиллаштиришда, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг натижасида мамлакат бюджети барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларини ҳал қилишга эришилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш учун маълум шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларнинг белгиланиши, банк кредитларидан самарали фойдаланиш натижасида қисқа вақт ичида КБХТ субъектларини сони ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллариининг ҳамон ўз ечимини топмаганлиги ҳам ушбу мавзунини танлашга асос бўлди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб, Қашқадарё вилоятида ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, ижтимоий соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича назарий ва услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади

ҳисобланади. Тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг моҳияти ва уни янада ривожлантиришнинг назарий асосларини очиб бериш;

- Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш босқичларини назарий жиҳатдан асослаш;

- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадини ошириш йўллари асослаш;

- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг ривожланишида чет эл тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини республикада жорий этиш бўйича тавсиялар бериш;

- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари бўйича назарий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳолатини тадқиқ этиш;

- Қашқадарё вилоятида ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарни ташкиллаштиришнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий базасини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш

- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишида ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожланишининг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш жараёнида истиқболда уни ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини

таъминлашга қаратилган илмий тавсиялар гипотезанинг ассоциация усулидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

Тадқиқот мавзуси бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари, замонавий бозор иқтисодиётидаги унинг роли Ўзбекистон ва чет эл олимлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилган. Бутун дунёга машҳур чет эл иқтисодчиларининг кўплаб илмий асарларида замонавий бозор иқтисодиётида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш муаммоларининг назарий ҳамда амалий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорлик мавзусини А.Смит, М.Блауг, С.Л.Брю, К. Веспер, П. Друкер, Р.Кантильон, Я.Корнаи, А.Маршалл, С. Ерлих, Дж.М.Кейнс, И. Кирцнер, К.Р. Макконелл, Ф. Котлер, Д. Пирсон, Т. Питерс, К. Рэндолл, Ж.-Б. Сэй, Ф. Уокер, И. Шумпетер, Ф. Фон Хайек, А. Шапиро, Х. Швальбе, Р. Хизрич каби² олимлар ўрганишган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларининг турли жиҳатларини таҳлил қилишга МДХ мамлакатлари олимларидан Л.И. Абалкин, В.С.Автономов, А.О. Блинов, А.В. Бусыгин, Е.В. Глушенко, Ю.И. Иванов, Б.Н.Ичитовкин, А.Н.Капцов, В.Г.Кузнецов, Т.И.Кузьмин, И.И.Разумнова, Ф.М. Русинов, Ю.В. Тихонравов, А.Н.Ткаченко, В.А.Зяблюк, В.А.Рубе, В.А.Киров, А.А.Крупанин, П.П.Черников кабиларнинг³ илмий ишлари бағишланган.

² Смит А. Исследование о природе и причине богатство народов.–М.: 1976; Маршалл А. Принципы экономической науки, т. 2. Пер. с англ. - М., "Прогресс", 1993; Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности. Москва: 1994. – 44 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития (Исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры), Пер. с нем.– М.: Изд-во «Прогресс», 1982; Сей Ж.Б. Трактат политической экономии. – М.: 1896; Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. с англ. У-е изд - М.: Дело ЛТД, 1994; ВеберМ. Протестанская этика и дух капитализма. Пер. с немецкого. М. : Прогресс, 1990; Шапиро А.М.Опыт функционирования мелких и средних предприятий в экономике развитых капиталистических стран.-М.:Наука, 1985; Хизрич Р, Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М: 1993.

³ Абалкин Л.И. Вызовы нового века. - М.: Институт экономики РАН, 2001; Блинов А.О. Малое предпринимательство. - М., Экономика, 1998; Глушенко Е.В., Капцов А.Н., Тихонравов Ю.В. Основы предпринимательства. –М.: Алма-Матер, 2008; Бусыгин Д.В. Предпринимательство: Начальный курс. М.: 1992; Камаев В.Д. Экономика и бизнес. – М.: МГТУ, 1993; Герчикова И.Н. Менеджмент. М.: 1993.

Ушбу муаммолар иқтисодиёт фанининг турли йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб боровчи Ўзбекистоннинг кўплаб олимлари, шу жумладан, Х.П.Абдулқосимов, А.В.Вахобов, Т. Жўраев, А.Т. Кенжабоев, Ё. Абдуллаев, Каримов Ф. С.К. С.И. Мусаева, С.К.Салаев, М.Р. Расулев, Ҳ.О. Раҳмонов, И.Э. Турсунов, Б.Ю. Ходиев, М. Хаджимуратов, З.Я.Худойбердиев, Ш.Ш.Шодмонов, А.А.Қаюмов ва бошқалар⁴ шуғулланиб келишмоқда.

Аммо ҳозирги вақтда ижтимоий хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни, хусусиятлари ва йўналишлари, уни иқтисодий фаолликдаги ўрни, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, бу тоифадаги субъектлар олдида турган муаммоларни ёритиш борасидаги илмий ишланмалар етарли ва мукамал эмас. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги мавжуд салоҳият ва ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, уни иқтисодий фаоллигини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаганлиги ва илмий асосланмаганлиги ушбу мавзунинг тадқиқот иши сифатида танлашни тақозо этди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: Тадқиқот давомида таққослама анализ, SWOT-таҳлил, иқтисодий математик усулларида фойдаланилди.

ЮНИТИ, 2004; Русинов Ф.М. Возрождение предпринимательства в России.- МайКоп: 1999; Шестаков А. Предпринимательская деятельность. – М.: 2000.

⁴Абдулқосимов Х. П. Хусусий кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. Т.: “ТДИУ”, 1998; Вахобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва уни такроран ҳосил бўлиши.: иқт.фан.док. дисс....автореф. Тошкент.: ЎЗМУ. 2001; Турсунов И.Э. Региональные проблемы развития малого и частного предпринимательства Иқт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: 1999; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: Иқт.фан. докт. дисс.автореф. – Т.: 2005; Раҳмонов Ҳ.О. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. –Тошкент “Фан”, 2008; Мусаева С.И. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг таркибий-ижтимоий муаммолари». и.ф.н. диссертацияси автореферати -Т.: 2005; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқт.фан.док.дисс. –Т.: ТДИУ. 2008; Хаджимуратов М. Становление предпринимательство в Узбекистане. - СПб.: Изд. университета Экономики и финансов, 1996; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш: иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2000.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертациядаги илмий ва амалий тақлифлар аҳоли турмуш даражаси оширишда ва уларнинг фаровонлигини таъминлашда ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича қарорлар қабул қилишда амалиётга жорий этилди. Тадқиқот ишида келтирилган илмий хулоса ва амалий тақлифлардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ва ўрта махсус касб - ҳунар коллежларида мавзуга оид фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий, услубий ва амалий асосларини ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, унинг асосида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни янгича ҳал қилиш бўйича хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

- Бизнес, кичик бизнес, тадбиркорлик тушунчасининг иқтисодий моҳиятини ёритувчи илмий –назарий қарашлар аниқланган ва ўз таърифи келтирилган;
- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти асослаб берилган;
- Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- Қашқадарё вилоятида ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш ҳолати таҳлил қилинган ва самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган;
- Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;
- Қашқадарё вилоятида ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг SWOT – таҳлили ўтказилди;
- Истиқболда ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 87 бетдан иборат бўлиб, 8 та жадвал, 8 та расм, 8 та формулани ўз ичига олади.

I боб. Ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари

1. Мамлакатни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти

Мамлакатни модернизациялаш ва техник ҳамда технологик қайта куриш жараёнлари кечаётган миллий иқтисодиётимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида реал мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни янада ривожлантириш, касаначилик иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг умумий бандлигини ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш ўз ечимини кутаётган энг долзарб муаммолардан биридир.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “2013-йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийиб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.”⁵

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган рақобатли бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик бирликлари (корхона, фирма) доирасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш турли хил шакл ва усулларда амалга оширилади. Уларни ичида тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўрин тутди ва бу фаолият туфайли мулкчиликнинг турли шакллари иқтисодий жиҳатдан руёбга чиқади ва ўз эгасига даромад келтиради.

Тадбиркорлик - ишбилармонлик фаоллигини юритиш, амалга ошириш санъати, фикрлаш жараёнидир. Тадбиркор – бу тадбир билан пухта ўйлаб иш қиладиган киши. Тадбир бирон ишни амалга ошириш воситаси.

⁵ Каримов А.И. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ

Тадбиркорлик – пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқарилган амалий чоралар асосида иш тумоқ демакдир.

Тадбиркорлик- амалдаги қонунларга мувофиқ даромад олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти.⁶

Ҳар қандай фаолиятнинг бош мақсади – фойда олишдир. Аммо, ҳар қандай фойда оладиган фаолият тадбиркорлик бўлмайди. Масалан, яширин бизнес, «партизан тадбиркорлик», ғайри қонуний бизнес, қаллоблик, товламачилик, ўғрилик, фоҳишалик, тиламчилик, босқинчилик, нарқобизнес, рэкет, солиқларни яшириш, норасмий фаолият юритиш ва ҳ.к.

Тор маънода, тадбиркорлик фаолияти - фақат иқтисодий соҳанинг турли - туман даражаларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни соҳибкорликни ифода қилади. Кенг маънода эса, молиявий, савдо соҳасидаги фаолиятларни, товар ёки хизматни яратишдан тортиб, уни сотишгача ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишгача бўлган босқичларни қамраб олади.

“Тадбиркор” тушунчасини биринчи марта XVIII аср бошида иқтисодиёт назариясига киритган олим инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон бўлган. У тадбиркор сифатида муайян баҳоларда бировларнинг товарларини сотиб олиб, ўзига маълум ва номаълум бўлган баҳоларда сотиб, номаълум ва белгиланмаган миқдорда даромад олувчи кишини тушунган.

"Биринчи тўлқин" XVIII пайдо бўлган бўлиб, у тадбиркор томонидан амалга ошириладиган **таваккалчилик жараёнлари**, яъни тадбиркорнинг таваккалчилик хусусиятлари билан боғланган. Айнан

⁶ «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг қафолатлари тасфҳисида»ги Ўбекистон Республикаси Қонуни \ Халқ сўзи, 2012 й, 3-май

иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига оид дастлабки тадқиқотлар ҳам XVIII асрда Р. Кан-тильон, А. Тюрго, Ф. Кенэ, А. Смит ва Ж.Б. Сей асарларида амалга оширила бошланганди.

Тадбиркорликни илмий англаш жараёнининг **"иккинчи тўлқин"** и тад-биркорликни асосий хусусияти сифатида **инновацион фаолиятни** ажратиб кўрсатиш билан боғлиқ бўлади. Бу оқимнинг асосчиси жаҳон иқтисодий илмларининг йирик намоёндаларидан бири тадбиркорлик назариясига муҳим ҳисса қўшган Австрия иқтисодчиси Й.Шумпетердир. У ўзининг 1912 йилда ёзган "Иқтисодий тараққиёт назарияси" номли китобида тадбиркорни "ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг янгича комбинацияларини амалга оширадиган ва шу билан иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган киши" деб атайди. Янги комбинацияларни амалга ошириш деганда турли хилдаги янгиликларни киритиш, янги нарсаларни ишлаб чиқариш, илгари номаълум бўлган ёки янги сифатдагиларни яратиш, янги технологияларни киритиш, маҳсулот сотадиган янги бозорларни, хом-ашё манбаларини ўзлаштириш, хўжалик фаолиятида ташкилий ўзгаришлар яратилишларни амалга оширишни назарда тутган эди.

Й. Шумпетер ва унинг издошлари бўлган неоавстрия иқтисодий таҳлил мактабининг кўзга кўринган намояндалари Л. Мизес, Ф. Хайекалар **"учинчи тўлқин"** асосчилари ҳисобланади. Уларнинг фикрича "...тадбиркорнинг иши нафақат янги технологик усулларни тажриба қилиш, балки мавжуд усуллар ичидан кишилар учун айнан зарур бўлган нарсасини энг қулай, энг арзон баҳода таъминлай оладиганини танлашдир."

Тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги босқичини шартли равишда "тўртинчи тўлқин" га мисол қилиш мумкин. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, олдинги даврлардан фарқли равишда ҳозирда бировларнинг пули эвазига тадбиркорлик қилиш таомил тусига кирган, яъни интеллектуал капитал билан молиявий капитал қўшилиши

натижасида тадбиркорлик амалга оширилади. Бунга эса “антрепренерлик” дейилади (инглизча “интракапитал” сўзидан келиб чиққан, луғавий маъноси “ёт пул”, бировнинг пули демакдир).

Проф.Ё.Абдуллаев республикамизда эса КБХТ нинг тараққиётини бир неча тарихий даврларга бўлиб ўрганишни тавсия қилади⁷:

Биринчи давр – вужудга келиш даври бўлиб, XIX аср учинчи чорагидан 1917 йилгача давом этган. Ушбу даврда сармоядорлик тизими шакллانган. 50 мингдан ортиқ хунарманд ва косиблар ишлаган. 110 минг киши банд бўлган. 350 га яқин кичик ва ўрта корхоналар мавжуд бўлган.

Иккинчи давр – стагнация (турғунлик) даври 1918-1985 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда яқка хунармандлар ва косиблар 0,1 % га етмаган ва ҳатто ҳисоботларда кўрсатилмаган. Ушбу йиларда колхозлаштириш, совхозлаштириш, гигантлаш тенденцияси ҳукм сурган.

Учинчи давр – жонланиш даври 1985-1991 йилларни ўз ичига олади. 1991йил 1 январ ҳолатига 9,7 минг ширкатлар, 61,5 мингта икки вазифани бажарувчилар мавжуд эди. Кўшма корхоналар эса 30 тага етди, яқка тартибда 1,1 млн. киши, шахсий ёрдамчи хўжаликларда эса 1 млн. киши банд эди.

Тўртинчи давр – тикланиш даври мустақилликдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, 300 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, 200 мингдан ортиқ деҳқон, фермер хўжаликлари, 1000 дан ортиқ қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, 200 дан ортиқ қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, инфратузилма объектлари шаклланди ва жадал ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Тадбиркорларга хос хусусиятлар ва тадбиркорлик тамойиллари қуйидагилардан иборат: мулк соҳиби бўлиш, фойда олишга интилиш ва тежамкор бўлиши, иқтисодий эркинлик, иқтисодий масъулият ва мақсад сари интилувчанлик, иқтисодий таваккалчилик ва инновацион фаоллик, қонунларга сўзсиз риоя этиш, рақобатда қатнашиш; тадбиркорлик сири;

⁷ Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Мехнат. 2000 й.

ҳалоллик билан иш юритиш; имижга эга бўлиш, ўз-ўзини бошқариш ва ташкилотчилик, руҳий поклик ва ҳалоллиги, жамоаси учун курашувчанлик.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади: Мулк муносабатларининг уйғунлашуви, тадбиркорларга ўз қобилятини тўла намоён этиш учун қуйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши, бозорнинг очиклиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, иш кучи, хом ашё ҳаракати учун сунъий тўсиқлар йўқлиги, бозор инфратузилмасининг мавжудлиги, тадбиркорлик учун ҳуқуқий кафолатнинг мавжудлиги, яъни тадбиркорликни ҳимояловчи қонунчиликнинг мавжудлиги, янги корхоналарга кадрлар тайёрлаш, кредит олиш, солиқ тўлаш, табиий бойликлардан фойдаланиш буйича давлат томонидан берилган имтиёзлар ва ҳ.к.

Тадбиркорликни ривожлантириш ўз навбатида муайян бир ижтимоий ҳолатни - тадбиркорлик муҳитини бўлишини тақозо этади.

Тадбиркорлик муҳити - бу ҳудудий яхлитликни ифода қилади ва шу ҳудуд доирасида тадбиркорликнинг касбий фаолиятига маълум бир омиллар таъсир этади, тадбиркор бу омилларни ҳисобга олишга мажбур ва у ўз фаолиятини шулар асосида қуради. Тадбиркорлик муҳитини **ҳуқуқий, ижтимоий** ва **иқтисодий** соҳалар каби учта соҳанинг мажмуи, йиғиндиси сифатида тавсифлаш мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз “тадбиркорлик” тушунчаларига қуйидагича таъриф берамиз: Тадбиркор бу – қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахс сифатида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш йўли билан фойда олиш, бандликни таъминлашга хизмат қилувчи ташаббускор инсон фаолиятидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммосига ҳозирги иқтисодчи олимларнинг ёндашишлари эътиборга лойиқ. Уларнинг тадқиқотлари асосида тадбиркорлик моҳиятини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

биринчи йўналиш – тадбиркорлик фойда олиш учун йўналтирилган мустақил иқтисодий фаолият, ташаббускорлик;

иккинчи йўналиш - тадбиркорлик фаолиятининг мақсадини фойда олишни инкор қилмай, асосий белги тадбиркорлик моҳиятини аниқловчи сифатида ресурсларни янги комбинацияларини амалга оширишда муносабатлар йиғиндисига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни юқори самарадорлигига эришиш²²;

учинчи йўналишга Д.В. Бусигин²³, В.Д. Камаев²⁴, И.Н. Герчикова²⁵, Ф.М. Русинов²⁶ ва бошқа олимларнинг ишларини киритиш мумкин. Уларнинг тадқиқотларида тадбиркорлик оддий меҳнат фаолияти эмас, балки ижодий фаоллик сифатида акс эттирилган.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик – бу иқтисодий феномен, бизнес категорияси. Бизнес билан тадбиркорлик синоним эмас, лекин яқин тушунчадир. Бизнес тушунчаси тадбиркорлик тушунчасидан кенгроқ.

Бизнинг фикримизча, бизнес деганда ўз ёки қарз маблағи, ўз жавобгарлиги остида ташаббускорлик ва таваккалчилик билан фойда олишга қаратилган фаолият тушунилади. Кичик бизнес деганда иқтисодиётнинг ўзгарувчанлигига мослаша оладиган, қонунлар билан чегараланган ходимлар сонига эга бўлган, кичик ҳажмда фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Тадбиркорлик объекти деганда, аввало маълум бир фаолиятни юритишга имконият яратадиган корхонани тушуниш лозим. Улар ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик, савдо-сотиқ тадбиркорлиги, молия соҳасидаги тадбиркорлик.

Тадбиркорликнинг қуйидаги турлари мавжуд, (1.1 – расм.)


²² Экономика и организация рыночного хозяйства. –М.: Прогресс, 1995. с.155.

²³ Бусыгин Д.В. Предпринимательство: Начальный курс. М.: 1992. с. 7 б.

²⁴ Камаев В.Д. Экономика и бизнес. Под. ред. Камаева В.Д. – М.: МГТУ, 1993. с.8.


²⁵ Герчикова И.Н. Менеджмент. М.: ЮНИТИ, 2004. с.22.

²⁶ Русинов Ф.М. Возрождение предпринимательства в России. МайКоп: 1999. с. 27 – 28.



1.1 – расм. Тадбиркорлик турлари

Тадбиркорлик фаоляти қўйидаги функцияларни бажаради.



1.2 – расм. Тадбиркорлик функциялари

Хулоса қилиб айтганда, юқорида баён қилинган назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда, шунинг таъкидлаш мумкинлиги тадбиркорлик фаоляти жуда ҳам кўп қиррали бўлиб, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли жараёнларини қамраб олади ва инсонларни фаол меҳнатга ундайди ва шу орқали уларни ва жамият эҳтиёжини қондиришда фаол иштирок этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик фаолятини синфланиши масалаларига эътибор бериш ўта муҳим жараён бўлиб, уни 1-жадвалда кўрингандек ифодалаш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турганидек, тадбиркорлик фаолятини синфланиши турли кўрсаткичлар бўйича гуруҳланиши содир бўлиб, бу ерда фаолият тури бўйича, мулк муносабатларига нисбатан, мулк эгаларини сони, ишлаб чиқариш ҳажми ва ходимлар сони бўйича ва бошқа белгиларга қараб

тавсифлашни амалга ошириш мумкин. Бу эса ўз навбатида тадқиқот ишимизни асосан фаолият тури ва ишлаб чиқариш ҳажми ва ходимлар сони бўйича олиб бориш асосий йўналиш ҳисобланади ва бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолиятида ўз аксини топади.

1.1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг туркумланиши

Синфланиш белгилари	Турмуш фаолиятини тавсифланиши			
Фаолият тури бўйича	Ишлаб чиқариш	Тижорат	Молия	Истеъмол соҳаси
Ташкилий-хуқуқий мақоми бўйича	Хуқуқий шахс бўлмасдан	Хусусий корхона	Фермер хўжалиги	Маъсулияти чекланган жамият
	Кичик корхона	Аралаш ҳамкорлик	Ёпиқ ёки очик акциядорлик жамияти	Қўшма корхона
Мулк муносабатларига нисбатан	Якка (ёлланма меҳнатдан фойдаланмасдан)	Хусусий	Давлат	
Мулк эгалари сони бўйича	Якка, хусусий	Оилавий	Жамоа	Аралаш, қўшма
Ишлаб чиқариш ҳажми ва ходимлар сони бўйича	Кичик корхоналар	Ўрта корхоналар	Катта корхоналар	
Ҳудудий белгилари бўйича	Қишлоқ, туман	Шаҳар, вилоят	Ҳудудий миллий	Хорижий
Тармоқга тегишлилиги бўйича	Қурилиш, тўқимачилик	Металл и қайта ишлаш, тоғ-кон қазиб олиш	Озиқ-овқат	Энергетикатранспорт, алоқа

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида кичик бизнеснинг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг ёрдамида бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш ва ҳудудий монополизмга барҳам бериш, рақобат муҳити вужудга келиши ва кенгайиши, илмий техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва, экспорт салоҳияти юксалишига ижобий таъсир кўрсаташ жараёнлари содир бўлади.

Кичик бизнеснинг яна бир хусусияти нисбатан кам харажатлар эвазига янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ҳисса қўшиши ҳисобланади. Шу билан бирга, кичик бизнес турли ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги тафовутларни қисқартиришга, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни сармоядорлик даражаси юқори бўлган соҳаларга йўналтиришга, иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Кичик бизнеснинг ижтимоий вазифалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. У ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари: аёллар ногиронлар, нафақахўрларни ва бошқаларни иш билан таъминлайди ҳамда уларнинг меҳнатидан кенг фойдаланади. Ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси ортишига шароит яратади. Кичик бизнес кишиларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик, ижодкорлик салоҳиятларини намоён этиш учун қулай шарт-шароит яратади. Унда йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар манфаатлари ўртасида боғлиқликда яққол кўриниб туради.

2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки миллий иқтисодиётда кичик

бизнес соҳасининг тараққиёти ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан бирига айланган.

Республикамизда бошланган иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнининг етти устувор йўналишларидан бири қилиб кичик бизнес соҳасини ривожлантириш вазифаси белгилаб олинди. Бунда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади»⁸.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қуйидаги учта муҳим масаланинг ҳал этилиши кўзда тутилган:

- 1) Яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш.
- 2) Бу соҳани аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини ўстиришнинг энг муҳим манбаларидан бирига айлантириш.
- 3) Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлган мулкдорлар синфини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир

⁸ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.- Т.: “Ўзбекистон”, 2010- Б. 42.

каторда, кичик бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади”⁹.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва чоратадбирлар натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотида ва аҳолининг бандлик даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг фаолияти ривожланмоқда. 2011 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.


2000-2014 йилларда кичик бизнес корхоналарининг сони аҳамиятли даражада кўпайиб борди

Натижада уларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2000 йилда 31,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилдаги 45,5 фоизга етди. 2008 йилда ушбу кўрсаткич 48,2 фоизга кўтарилган бўлса, 2012 йилда 54,0 фоизга етди. 2014 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 56,0 %ни ташкил қилди. Бозоримизни зарур товарлар ва хизматлар билан таъминлашда ҳам мазкур соҳа асосий ўринга эга бўлиш билан бирга иш билан банд аҳолининг 76,5 фоизидан кўпроғини меҳнат билан банд қилмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда, (1-расм).

Юқорида таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари -Т. “Ўзбекистон”, 2011.-Б.56.

ривожлантириш орқали ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масала ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширишдир. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ (ЯҲМ)даги улуши¹⁰

Жумладан, бу борада 2011 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди. Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улуши йиллар давомида барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Агар олдинги йилларда бундай ўсишнинг асоси сифатида кичик тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича амалга

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар, хусусан, эркин фаолият учун кафолатларнинг таъминланганлиги, уларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартибининг ихчамлаштирилиши, кредит маблағларидан фойдаланиш доирасининг кенгайиши, қулай макроиктисодий муҳитнинг шаклланганлиги, миллий валюта курсининг барқарорлиги каби омиллар хизмат қилган бўлса, бугунги кунда ўсишга асосан биржа савдоларида товар-моддий ресурсларни харид қилиш ва таъминот шароитларининг яхшиланиши, ялпи тўлов ўрнига ягона солиқ тўловининг киритилиши натижасида тежалган молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга йўналтирилиши ҳисобига эришилди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда кичик тадбиркорликни янада ривожлантириш учун “жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. 2011 йилнинг биринчи январидан бошлаб саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатига озод этилди. Шунингдек, “Инқирозга қарши чоралар дастури”да 2011 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини яна 30%га камайтириш кўзда тутилган¹¹”. Ўз ўрнида кичик бизнес томонидан яратилаётган ЯИМ таркибида кичик корхона ва микрофирмалар улушининг сезиларли даражада ортиб бораётганлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли ва рақобатбардош

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг ёллари ва чоралари -Т. “Ўзбекистон” 2011 –Б. 48.

товарлар билан тўлдиришнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайиши, жаҳон бозори талабларига мос экспорт таркиби кўпайиши, янги иш ўринлари яратишда, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг ва шу асосда аҳоли даромадлари, турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнесга янги имтиёзлар яратиш республикамиз иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда бир қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг тўлиқ ижроси соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлари шулар жумласидандир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ҳал этиладиган муҳим масалалардан яна бири аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айти пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг иш ўринлари ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади.

Мамлакатмизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бойича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 19

мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнишишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулаш ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ҳал этиладиган муҳим масалалардан яна бири аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айти пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг иш ўринлари ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади.

2014-йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013-йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордагимикрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди.¹².

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда жамият аъзоларининг турли кўринишдаги иқтисодий манфаатларини амалга оширишнинг реал механизмларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, собиқ режали иқтисодиёт шароитида

¹² Каримов А.И. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. – 2015. 17 январь

мулкый муносабатларига ўта расмийчилик билан бўлган ёндашув давлат мулки монополиясининг ҳукмронлиги мулкчилик муносабатларининг иқтисодий манфаатларни руёбга чиқаришнинг муҳим воситаси сифатидаги таъсирини деярли йўққа чиқарган эди. Шунга кўра, мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг марказий йўналиши кўп укладли иқтисодиётни яратиш, мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди. Хусусий мулк шаклининг қонуний эътироф этилиши, тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий қафолатларининг таъминланиши жамият аъзоларининг узоқ йиллар давомида таъқиқланиб келинган эркин ва мустақил хўжалик фаолиятини юритишга интилиш кўринишидаги иқтисодий манфаатларининг амалга оширилиши учун кенг йўл очиб берди.

Олиб борган таҳлилларимиз республикада кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш бу соҳанинг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган бир қатор муаммо ва тўсиқларнинг ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, кичик корхоналар субъектининг сушт ривожига кўзга ташланади. Жами кичик бизнес корхоналари сонига кичик корхоналар улуши 10,7 фоизни, микрофирмалар улуши 78,3 фоизни ташкил этади.

Иккинчидан, кичик бизнеснинг тармоқ таркибида номуносиблик кўзга ташланади. Кичик бизнес корхоналари асосан қишлоқ хўжалигида (43 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда (25,6 фоиз) кўпчиликлари ташкил этади. Саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнеснинг ривожланиши нисбатан сушт кечмоқда. Бу ўз навбатида кичик бизнеснинг истеъмол бозорларини нисбатан қисқа муддатларда маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятини чегаралайди.

Учинчидан, республика ҳудудлари бўйича кичик бизнеснинг ривожланиши ҳар хилликка эга. Кичик бизнес корхоналари Тошкент шаҳри (10,6 фоиз), Самарқанд (10,3 фоиз) ва Андижон (9,5 фоиз) вилоятларида кўпроқ ташкил топган.

Тўртинчидан, кичик бизнеснинг маҳсулот экспорт қилиш жараёнидаги иштироки талаб даражасида эмас.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнесни ривожлантириш соҳасида мавжуд ушбу муаммоларни самарали ҳал этиш учун республика ҳукуматининг бу соҳани қўллаб - қувватлашга қаратилган стратегик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Бундай концепциянинг асосида номутаносибликларни бартараф этишга, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи тузилмавий ўзгаришлар ётмоғи лозим.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнесни ривожлантириш концепциясида асосий эътибор биринчи навбатда иқтисодий салоҳиятга эга фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини қўллаб - қувватлаш, тармоқ ва ҳудуд учун зарур, аммо паст рентабелли соҳаларнинг ривожини учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий - иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, ҳудудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегараланган кичик тадбиркорлик корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кўрсатиб ўтилган барча даражаларда, ўз вақтида ва мувоффақиятли ҳал этилиши мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини янада оширади, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштиради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бугунги кунда йирик макроиқтисодий аҳамиятга эга ва унинг ҳолати талаб ва тақлиф нисбатида аҳоли моддий истеъмоли даражасида, даромад ва ҳаражатларида, иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ўз аксини топади.

Шунинг учун ҳам бу соҳада унинг салоҳиятидан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яқин ва узоқ келажақдаги ривожланиши унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача етказишда зарур бўладиган барча жараёнларда унинг салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларда бугунги кунда сайёрамиздаги барча аҳолининг тахминан 85 фоизи истиқомат қилади, бу мамлакатларнинг кўпчилигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70-90 фоизи хусусий тадбиркорликда машғул. Бу борада айрим иқтисодчи мутахассисларнинг фикрича, иқтисодиётнинг самарали амал қилиши учун аҳолининг ҳар 80 – 100 кишисига биттадан ташкилий бирлик тўғри келиши лозим.

Демак, хизмат соҳаси келажақда иқтисодиётнинг муҳим соҳасига айланади. Шу муносабат билан, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларда қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- Қашқадарё вилоятида анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашни рағбатлантириш;


- хизматлар соҳасида миллий хунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни имтиёзли кредит билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни

кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

Истеъмол бозоридаги мутаносиблик – истеъмол бозорига таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар ҳажми билан аҳолининг тўловга қодир талабининг ўзаро мослиги.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормокда (1.2-расм).



2.2 – расм. Республика ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши¹³, %

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари, транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айтиқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтиради.

I боб бўйича хулоса

Ушбу бобга боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадбиркор бу – қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахс сифатида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш йўли билан фойда олиш, бандликни таъминлашга хизмат қилувчи ташаббускор инсон фаолиятидир;
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммосига ҳозирги иқтисодчи олимларнинг ёндашишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни шартли равишда 3 хил йўналишга ажратиш мумкин.
3. Кичик бизнес деганда иқтисодиётнинг ўзгарувчанлигига мослаша оладиган, қонунлар билан чегараланган ходимлар сонига эга бўлган, кичик ҳажмда фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.
4. Ўзбекистон республикасида ҳамда Қашқадарё вилоятида ЯИМ (ЯХМ)да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда

2 боб. Ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорликни

ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

1. Қашқадарё вилоятида ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш тенденциялари

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган бўлиб, унинг умумий ер майдони 28,6 кв.км.дир ёки 2856799 гани ташкил этади. Вилоятнинг умумий чегара узунлиги 893,89 км бўлиб, Тожикистон республикаси билан Шахрисабз тумани томонидан Шарқдан 18,5 км, Китоб тумани томонидан эса Шарқдан 41,47 км масофада чегарадош. Шунингдек, вилоят Туркменистон билан Жанубий-ғарб томонидан Дехқонобод тумани орқали 75,9 км, Ғузор тумани билан 22,2 км, Нишон тумани билан 75,74 км ва Миришкор тумани томонидан 79,48 км масофада чегарадошдир. Қўшни вилоятлар билан шимолдан 276 км масофада Самарқанд вилояти билан, жанубий шарқдан 193,8 кмда Сурхондарё вилояти билан, шимолий-ғарбдан 98,3 км масофада Бухоро вилояти билан ва шимолдан 12,5 кмда Навоий вилояти билан чегарадош.

Қашқадарё вилоятида жами хизматлар хажми 2010-2014 йилларда 3,2 мартага ошган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати таққослама нархларда 17,6 фоизни ташкил қилади.

Шу жумладан савдо ва умумий овкатланиш хизматлар ўртача йиллик ўсиш суръати 22,5 фоизни, транспорт хизматлар ўртача 22,1 фоизни, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати ўртача 35,5 фоизни, молиявий хизматлари ўртача 23,9 фоизни, маиший хизмат ўртача ўсиш суръати таққослама нархларда 22,5 фоизни ташкил қилади.

Шу йиллар давомида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилга нисбатан 2014 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси вилоятда 3,2 марта ошган бўлса, кишлоқ ҳудудларида 2,7 мартага, савдо ва умумий овкатланиш хизматлар мос равишда 3,8 ва 4,2 мартага, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати мос

равишда 3,9 ва 1,2 мартага, маиший хизмати мос равишда 4,1 ва 2,5 мартага, молиявий хизматлар мос равишда 2,9 ва 12,2 мартага ва транспорт хизматлари 3,0 ва 2,9 мартага ошган.

2010-2014 йиллар давомида хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 25,3 фоиздан 28,1 фоизни ташкил этди.

2010 – 2014 йилларда вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурга асосан жами 5668 та савдо ва умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди.

Шундан 1990 таси чакана савдо, 338 таси умумий овқатланиш, 36 та гузар туридаги хизмат кўрсатиш мажмуаси, 3304 та хизмат кўрсатиш шохобчалари (437 та тикувчилик, 431 та сартарошхона ва гузаллик салонлари, 193 та пойафзал таъмирлаш, 137 та суратхона ва 2106 та бошқа хизматлар) ташкил этилди.

2010 йилда вилоят буйича жами хизматлар аҳоли жон бошига ўртача 544,6 минг сўмдан тўғри келган бўлса 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 1526,4 сўмни ёки 2,8 мартага ошди.

2010-2014 йиллар давомида хизмат курсатиш ва сервис соҳасида 16682 та (шу жумладан қишлоқ жойларида 10342 та) ишчи ўринлари барпо этилди. Хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш дастўрининг амалга оширилиши ҳисобига 4,5 трлн. сўмлик ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 118,1 фоиз ўсишга эришилди (прогноз 119,4 фоиз). Жами хизматларнинг қишлоқ жойлардаги улуши 1,5 трлн сўм ёки 32,1 фоизни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (уяли алоқа, «Интернет» тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматлари билан бирга) 127,5 фоизга (прогноз 128,0 %), компьютерли программалаштириш хизматлари (электрон таълим ва консултация хизматлари билан бирга) 122,6 фоизга (прогноз 121,9 %), молия хизматлари (банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматлари билан бирга) 133,2 фоизга (прогноз 128,5 %), транспорт хизматлари (логистик

хизматлари билан бирга) 116,4 фоизга (прогноз 116,2 %), қурилиш хизматлари (муҳандислик жиҳосларини таъмирлаш ва ўрнатиш хизматлари билан бирга) 127,9 фоизга (прогноз 125,3 %), технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари 117.0 фоизга (прогноз 115,1 %), қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари 114,9 фоизга (прогноз 113,2 %), туристик хизматлари (меҳмонхона хизматлари билан бирга) 122,9 фоизга (прогноз 122,8 %), савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 124,7 фоизга (прогноз 125,3%), маиший хизматлари 126,2 фоизга (прогноз 126,1 %), таълим хизматлари 115,1 фоизга (прогноз 112,4 %), соғлиқни сақлаш хизматлари 128,7 фоизга (прогноз 135,0 %), қишлоқ хўжалиги хизматлари 110.3 фоизга (прогноз 109,6%) ва бошқа хизматлар 106,5 фоизга (прогноз 110,5 %) бажарилди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига асосан жорий йилда 1039 та хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг амалга ошириш ҳисобидан 2050 та иш ўринлари яратиш белгилаб олинган.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 60,9 млрд. сўм, шундан тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 35,1 млрд. сўм, банк кредитлари ҳисобидан эса 25,8 млрд.сўм сарфланиши режалаштирилган.

Шундан, жорий йилнинг январь – декабр ойларида 1039 та хизмат кўрсатиш субъектларини ташкил этиш ҳисобига 2050 та иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, амалда ҳозирги кунга қадар 1147 та савдо ва умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 2720 та янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 60,9 млрд. сўм маблағ сарфланиб, шундан 35,1 млрд.сўми тадбиркорларнинг ўз маблағини, 25,8 млрд. сўми банк кредитини ташкил этди.

Шу жумладан қишлоқ жойларида 544 та хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 1160 та янги иш ўринлари яратилди.

Янги ташкил этилган субъектларнинг 315 таси чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини, 52 та молия хизматлари, 780 таси хизмат кўрсатиш шохобчаларини (124 та тикувчилик, 123 та сартарошхона ва гўзаллик салонлари, 29 та суратхона, 55 та пойафзал таъмирлаш, 17 та маиший техникаларни таъмирлаш, 63 та автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш устахоналари, 52 та молия хизматлари кўрсатувчи субъектлар, 7 та таълим хизматлари кўрсатувчи субъектлар, 10 та соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчи субъектлар, 4 та қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат кўрсатувчи субъектлар, 9 та сунний қопламали ўйингоҳлар) ва 287 таси бошқа хизматлар кўрсатувчи субъектларни ташкил этади.


Жумладан, Касби туманида Дустлик маҳалла фуқаролар йиғинида 15 иш ўринли савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси (сафланган маблағ 350,0 млн сўм), Тинчлик маҳалла фуқаролар йиғинида 10 иш ўринли Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ёқилғи қўйиш шохобчаси (сафланган маблағ 350,0 млн сўм), Қарши туманидаги Боғобод қишлоқ фуқаролар йиғинида 9 иш ўринли хизмат курсатиш комплекси (сарфланган маблағ 443,0 млн.сўм), Сарой маҳалла фуқаролар йиғинида 12 иш ўринли савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси (сафланган маблағ 300,0 млн сўм), Ғузор тумани Навруз маҳалла фуқаролар йиғинида 135,0 млн сўмлик умумий овқатланиш шохобчаси, Яккабоғ туманида 75,0 млн сўмлик савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси, Қарши шаҳрида Алказар Кармашки МЧЖ 240,0 млн.сўмлик 4 иш ўринли савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси, Алп Авто Люкс МЧЖ 680,0 млн.сўмлик 11 иш ўринли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, Китоб туманида Бахриддин Бобо ф/х 20 иш ўринли 150,0 млн.сўмлик савдо ва маиший хизмат курсатиш комплекси, Китоб агро пласт МЧЖ (РГС) 4 иш ўринли 150,0 млн.сўмлик қишлоқ хўжалиги хизматини ташкил этиш, Косон туманида "Хайдаров Акмал Чориевич" МЧЖ 4 иш ўринли 140,0 млн.сўмлик суний қопламали мини футбол майдончаси, Миришкор туманида 6 иш ўринли 640,0 млн.сўмлик йуловчи ташиш транспорт

хизмати, Муборак туманида "Шон-Шухрат" КТИЧК 6 иш ўринли 1000,0 млн.сўмлик автомобилларга метан газ қуйиш шахобчаси, "Komolbek invtst" МЧЖ 5 иш ўринли 55,0 млн.сўмлик умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш, Чироқчи туманида "Шоймуродов Қучкор" фирмасида 7 иш ўринли 63,0 млн.сўмлик савдо ва умумий овқатланиш хизмати, "Болалар кувонч маскани" хусусий корхонаси 8 иш ўринли 296,0 млн.сўмлик болалар истирохат боғида хизмат кўрсатиш, Шахрисабз туманида "Шахри Улуғ диёр"Маъсулияти чекланган жамияти 4 иш ўринли 601,0 млн.сўмлик автомобилларга суйилтирилган газ қуйиш шахобчаси, "Жўрабек" маъсулияти чекланган жамиятида 5 иш ўринли 78,0 млн.сўмлик соғломлаштириш мажмуаси ишга туширилди.

Ташкил этилган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 2720 та хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари яратилди (прогноз 2050 та). Шундан Чироқчи туманида 223 та, Ғузор 175 та, Китоб туманида 339 та, Касби туманида 140 та, Косон туманида 174 та, Қарши туманида 186 та, Қамашли туманида 192 та, Яккабоғ туманида 180 та, Қарши шаҳрида 325 та, Дехқонобод туманида 109 та, Муборак туманида 148 та, Нишон туманида 162 та, Миришкор туманида 168 та).

Қашқадарё вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, турли хилдаги янги хизмат турлари ривожлантирилиб келинмоқда, (2.1.1 - расм).

Диаграммадан кўриниб турибдики, 2014 йил якунларига кўра жами хизматлар таркибида савдо ва овқатланиш хизматлари катта ҳиссага (25,5 %) эга бўлиб, 2011-2014 йиллар давомида унинг улуши кўпайиб борган, транспорт хизматлари жами хизматлар таркибида 14,2%ни, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш хизматларини ўз ичига олган ҳолда бошқа хизматлар улуши 43,8 %ни ташкил этган.



1.2 – расм. Қашқадарё вилоятида хизматлар ва сервиснинг соҳалар бўйича тақсимланиши¹⁴, %

Қашқадарё вилоятида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар асосан хусусий сектор зиммасига тўғри келади, 2014 йил якунларига кўра, жами пуллик хизматларнинг 99,9 фоизи бевосита нодавлат сектор томонидан амалга оширилган.

¹⁴ Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муллитф томонидан ишлаб чиқилган

1.2 - жадвал

**Қашқадарё вилоятида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида
тадбиркорлик фаолиятининг улуши таҳлили¹⁵**

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		2014 йил		2014 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши, %	
	Пуллик хизмат, млн, сўм	ш.ж. маиший хизмат, млн. сўм	Пуллик хизмат, млн, сўм	ш.ж. маиший хизмат, млн. сўм	Пуллик хизмат, млн, сўм	ш.ж. маиший хизмат, млн. сўм	Пуллик хизмат,	ш.ж. маиший хизмат
Вилоят буйича: (амалдаги нархларда)	719617,3	70754,7	1003229,9	123481,2	1286870,2	147375,0	178,8	208,3
Давлат мулкчилиги	50743,6	107	66299,6	152,9	84066,8	183,3	165,7	171,3
Жами хизматлар таркибида давлат секторининг улуши, %	7,1	0,2	6,6	0,1	6,5	0,1	92,6	82,2
Нодавлат мулкчилиги	668873,7	70647,7	936930,3	123328,3	1202803,4	147191,7	179,8	208,3
Жами хизматлар таркибида нодавлат секторининг улуши, %	92,9	99,8	93,4	99,9	93,5	99,9	100,6	100,0

¹⁵ Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

2014 йил 1 январь ҳолатида 30719 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлиб, шундан 11543 таси савдо, 1387 таси умумий овқатланиш, 869 таси молиявий хизмат кўрсатиш, 1221 таси алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, 8913 таси маиший хизмат кўрсатиш ва 6786 таси бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шохобчаларидир

2014 йил январь-декабрида чакана товар айланмаси 4394279,6 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 116,2 % фоизни ташкил қилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

1.3 – жадвал

Қашқадарё вилоятида чакана товар савдо айланмаси (умумий овқатланишни қўшиб ҳисоблаганда)¹⁶, млн.сўм

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилда 2011 йилга нисбат ан ўзгари ши, %
Вилоят бўйича (амалдаги нархларда)	1867158,6	2567645,6	3443725,7	4394279,6	235,35
Давлат корхоналарида	10875,5	1226,7	1012,8	1472,4	13,54
Улуши, %	0,58	0,05	0,03	0,03	-0,55
Нодавлат корхоналари	1856283,1	1879454,3	3442712,9	4392807,7	236,65
Улуши, %	99,42	73,20	99,97	99,97	0,55
Аҳоли жон бошига тўғри келган чакана савдо (сўм)	683733	902866,2	1171056,5	1500778,6	219,50

¹⁶ Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилоятида чакана товар савдо айланмаси умумий овқатланишни кўшиб ҳисоблаганда 2014 йилда 2011 йилга нисбатан 135,35 фоизга ошган. Мулкчилик шакллари бўйича тақсимланганда нодавлат корхоналари зиммасига 99,97 фоиз тўғри келади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана савдо 2011 – 2014 йиллар давомида 119,5 фоизга ошган.

2. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда, албатта, унинг ҳақиқий ривожланганлик ҳолати, олдинги йилларга нисбатан ривожланиш тенденцияси ва таъминланганлик даражаси тўғрисидаги батафсил маълумотга эга бўлиш лозим. Умуман “баҳолаш” тушунчаси баҳоланаётган тизимнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа кўрсаткичларни кўриб чиқишни назарда тутди. Самарадорлик кўрсаткичлари кўйилган мақсаддан келиб чиқиб инфратузилма мажмуасининг ўз тизимлари орқали (ички баҳолаш) ва бошқа институционал корхоналар томонидан (ташқи баҳолаш) баҳоланиши мумкин.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари – миқдор ва сифат белгиларини акс эттирувчи кўрсаткичларга асосланади. Миқдор кўрсаткичларни тўплаш ва қайта ишлаш бир мунча мураккаб, аммо самарадорликни баҳолашда катта аҳамиятга эга. Миқдор кўрсаткичларни тўплашда анкета-сўровнома ўтказиш каби оддий усуллардан фойдаланиш, ушбу маълумотларни қайта ишлашда иқтисодий-математик, статистик, монографик, тажриба, ҳисоб-конструктив ва моделлаштириш каби усулларида фойдаланиш мумкин.

Сифат кўрсаткичларни шакллантирилган интервью ва анкета-сўровнома олиш орқали тўплаш мумкин. Ушбу маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолатини, ўзаро муносабатларни, қарорларни қабул қилиш механизмларни акс эттиради.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг самарадорлигини баҳолаш янги йўналиш ҳисобланади. Биз ўз тадқиқот ишимизда умумий ҳолда хизматлар кўрсатиш соҳасининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий йўналишларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Ушбу масала илмий жиҳатдан асослаб берилса, хизматлар соҳасига тармоғига инвестиция жалб этиш учун ишончли механизм асослаб берилади ва уни ривожлантиришда оптимал ечими ишлаб чиқилади.

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини баҳолашнинг услубий асоси сифатида такрор ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолаш назарияси хизмат қилиши мумкин. Самарадорлик, бир томондан, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол натижасида олинган натижа ва, иккинчи томонидан, меҳнат сарфи ва жамиятнинг бошқа харажатлари ўртасидаги ўзаро муносабатни акс эттиради. Маълумки самара ва самарадорликнинг турли кўринишлари мавжуд: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик ва бошқалар. Аммо инфратузилма тармоғини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ёндошув бир мунча мураккабдир.

Биринчидан, ҳар доим ҳам хизматлар соҳаси ишчилар меҳнати якуний маҳсулотни кўпайишига олиб келавермайди.

Иккинчидан, хизматлар соҳасининг фаолияти одатда харажатларни иқтисод қилишга, нобудгарчиликнинг камайишига ва бошқаларга олиб келади.

Шунинг учун назария ва амалиётда хизматлар соҳасининг самарадорлигини баҳолашда турлича ёндошувлар мавжуд.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир даражасини ажратиб олишнинг имкони деярли йўқлиги сабабли, ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини тўғридан – тўғри миқдорий жиҳатдан аниқлаш бирмунча мураккабдир. Хизматлар соҳасининг мутлоқ самараси асосан унинг йўқлиги натижасида бўладиган харажатларнинг олдини олишдан иборатдир.

Хизматлар соҳасининг ривожланишига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигига баҳо беришда турли хил услублар қўлланилади. Хорижда “харажат – даромад” (cost - benefit) услуби кенг қўлланилиб келинмоқда.


Унинг моҳияти шундан иборатки, инвестиция фаолиятининг натижасини характерловчи, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ҳисобга олиб, инвестицияларнинг самарадорлигини ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишга таъсирини асослаш ҳисобланади. Бу услубнинг афзаллиги шундаки, бу услубни нафақат микродаражада, яъни алоҳида корхона мисолида, балки хизматлар соҳасига йирик дастурлар асосида киритиладиган инвестицияларнинг макроиқтисодий даражада ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, муҳим масалалардан бири бўлган ижтимоий – иқтисодий самарадорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тушуниш учун алоҳида ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ эмас, деган фикр келиб чиқмайди. Аксинча, улар узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қилади, тўлдиради.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини комплекта таҳлил қилиш фақат самарадорлик мезонини ўз ичига олиш билан чегараланиб қолмасилиги керак. Негаки мезон асосан самарадорликни оширишнинг моҳиятини ва асосий вазифаларни

ифодалайди, лекин ўлчов ҳамда баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Бу вазифаларни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бажаради.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, республикада хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга кўра, мазкур соҳада фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий самарадорлигининг барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади, (2.1 - расм)



2.1 – расм. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти мезонлари

Мазкур мезонлари хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иқтисодий адабиётларда самарадорлик кўрсакичларининг баҳолаш миқёси бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича, кўрсаткичларнинг аҳамияти бўйича, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлар учрайди.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий самарадорлик кўрсакичларини икки гуруҳга - алоҳида (хусусий) ва умумлашган кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи алоҳида кўрсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятлари самарадорлигини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун самарадорликнинг алоҳида кўрсаткичлари билан бирга умумлаштирилган кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Иқтисодий адабиётларда умумлаштирувчи кўрсаткичларга: рентабеллик, харажатлар нисбий даражаси, фонд самарадорлиги, сарфланган барча ресурслар фонд самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар киради.

3. Ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий иқтисодий сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасини ҳамда иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини ошириб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. 2015 йилнинг 1

январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг (дехкон ва фермер хўжаликларисиз) сони 17492 тани ташкил қилди. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,5 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (ўтган йилнинг шу даврида 51,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётдаги жами иш билан бандларнинг 78,4 фоизини (869,5 минг киши) кичик тадбиркорлик секторида банд бўлганлар ташкил қилди.


Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,0 фоизни ташкил этди ва 1070403,4 млн. сўми (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 16,9 фоиз), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 106,2 фоизни, 3059,5 млн. сўми (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,4 фоизни) ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 14,7 фоизи, қурилиш ишларининг 74,9 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектлари юк ташиш вилоят автомобиль транспорт умумий юк ташиш айланмасининг 72,8 фоизини, йўловчи ташиш умумий йўловчи ташиш айланмасининг 83,7 фоизини ташкил этди.

Савдо айланмаси умумий ҳажмининг 35,5 фоизи ёки 1562000 млн. сўми ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 55,6 фоизи ёки 715288,6 млн. сўми кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 17,0 фоизини ташкил қилди. Жорий йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 79914,6 минг АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 22,2 фоизи), миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Импорт 29940,4 минг АҚШ доллари (умумий импортнинг 11,7 фоизи)ни ташкил қилди.



3.1 – расм. Иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида, кичик тадбиркорликнинг улушининг ўзгариши¹⁷, фоиз ҳисобида

Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади. 2014 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) субъектлари маҳсулотининг улуши 3.1 – жадвалда акс эттирилган.

3.1 – жадвал

Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми¹⁸, 2014 йил

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	1070403,4	11,6

¹⁷ Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муллий томонидан ишлаб чиқилган

¹⁸ Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
<i>Қурилиш</i>	1213412,2	53,4
<i>Чакана савдо</i>	1562000,0	41,3
<i>Пуллик хизмат</i>	715288,6	53,9
<i>Юк ташиш, млн. тн.</i>	32,4	51,6
<i>Йўловчи ташиш, млн. киши</i>	407,5	81,0
<i>Экспорт, минг АҚШ долл.</i>	71821,0	0,8
<i>Импорт, минг АҚШ долл.</i>	36764,8	2,4

3.1 – жадвал маълумотларига кўра, 2014 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмида хусусий секторнинг улушини таҳлил қилганимизда, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмида хусусий секторнинг улуши 53,9 фоизни ташкил қилган бўлса, чакана савдо хизматида 41,3 фоизни ташкил этган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурининг бажарилиши давлат бошқаруви органлари, фаолияти мақсади тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция бериш ҳисобланган нодавлат тузилмалар, шунингдек жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Давлат бошқаруви маҳаллий органлари бунда асосий урин тутишлари керак. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, дастур энг аввало маъмурий-буйруқбозлик чора-тадбирларига эмас, балки иқтисодий таъсир кўрсатиш чораларига таянади, энг аввало тадбиркорлик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш учун зарур булган ташкилий тузилмалар, механизмлар ва шарт-шароитлар барпо этилишига юналтирилган ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тадбирларнинг руёбга чиҳарилишини ўз ичига олади. Шундай ҳолатларда кичик бизнеснинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларнинг бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги жадвалда Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тармоқлари бўйича савдо ва умумий овқатланишда, қўрилишда, транспортда, пуллик хизматларда меҳнат унумдорлиги (динамикаси)ни ўрганганимизда қуйидаги кўрсаткичларга эришганлигини кўришимиз мумкин, (3.2 - жадвал).

3.2 - жадвал

Қашқадарё вилоятида 2011-2014 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида меҳнат унумдорлиги¹⁹ (минг сўм/киши)

Йиллар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тармоқлари бўйича			
	Қурилиш	Транспорт	Савдо ва умумий овқатланиш	Пуллик хизматлар
2011	4138,4	6917,6	14864,7	9043,2
2012	5036,1	7801,4	15496,3	9874,5
2013	5984,5	8698,8	16325,8	10749,5
2014	7012,1	9584,7	17185,9	11548,4
2014 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши, %	169,4	138,6	115,6	127,7

Юқоридаги жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда, 2014 йилда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида меҳнат унумдорлиги

¹⁹ Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари асосида мултиф ҳисоб-китоби

17185,9 минг сўм/кишини ташкил қилган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 14864,7 минг сўм/кишини ташкил қилган ва 15,6 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Пуллик хизматлар кўрсатишда ушбу кўрсаткичлар куйидаги ча бўлган: 2014 йилда меҳнат унумдорлиги 11548,4 минг сўм/киши ташкил қилган бўлса, 2011 йилда эса 9043,2 минг сўм/кишини ташкил қилган ва 27,7 фоизга ошганлиги аниқланди. Умуман олганда, вилоятда кичик бизнес ва хусуси тадбиркорлик соҳаларида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати кўзатилмоқда.

II боб бўйича хулоса

Ушбу боб бўйича куйидаги хулосаларга келинди:

1. 2014 йил якунларига кўра, жами пуллик хизматларнинг 99,9 фоизи бевосита нодавлат сектор томонидан амалга оширилган;
2. 2014 йил январь-декабрида чакана товар айланмаси 4394279,6 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 116,2 % фоизни ташкил қилди.
3. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг (деҳкон ва фермер хўжаликларисиз) сони 17492 тани ташкил қилди. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,5 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (ўтган йилнинг шу даврида 51,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.
4. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари икки гуруҳга: хусусий ва умумлашган кўрсаткичларга бўлинади. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи хусусий кўрсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари киради.

III боб. Ижтимоий хизматлар соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бўйича илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўналишлари

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида қишлоқ хўжалиги саноат билан интеграциялаш ва савдо билан қўшилиш орқали тараққий топмоқда. Шу боис жаҳон қишлоқ хўжалиги бу соҳага алоқадор бўлмаган соҳалар билан қўшиб олиб бориш кенг тарқалмоқда. Масалан, Японияда шундай деҳқон хўжаликлари 80 фоизга етиб қолди. Америка фермерларининг қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган соҳалардан олаётган даромадлари ўртача 63 фоиз, Хитойда 65 фоиз, Жанубий Кореяда 40 фоизни ташкил этади.

Замонавий техника воситалари ва биотехнологияларнинг ривожланиши асосида қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги муносабатлар мураккаблашиб бормоқда. Япония ҳукумати ўтган асрнинг 60-йиллар охирига келиб, мамлакат ҳудудини ўзлаштиришнинг учинчи режаси ҳақида қарор қилган эди. Бу қарорда қишлоқ хўжалигини саноат била интеграциялаш зарурияти кўзда тутилган. Ҳамма жойда қишлоқни индустрлаштириш орқали маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш режалаштирилган. 1978 йил «Қишлоқ жойларида саноат корхоналарини ривожлантириш ҳақида»ги қонун эълон қилинди. Унда қишлоқ саноатини тузиш тадбирлари тизими кўзда тутилган эди. Шу қонун асосида "Ҳар бир қишлоқда битта товар" ҳаракати бошланди. Унинг мазмуни шуки, ҳар қайси қишлоқда рақобатбардош саноат маҳсулоти ишлаб чиқарадиган битта корхона бўлиши шарт. Қишлоқ саноатининг ривожланиши муносабати билан «Битта қишлоқда юзта товар» шиорини илгари сурган мураккаб вазифа кун тартибига қўйилди.

АҚШ иқтисодидаги кичик секторнинг улуши нафақат ялпи ички маҳсулотда, балки унда ишловчилар сонида ҳам катта. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг 900 дан ортиқ марказлари кичик ва ўрта фирмаларга

консултация берадилар, бошловчи тадбиркорларга бизнес-режалар тайёрлашда, давлат ташкилотларидан молиявий ёрдам олишда кўмаклашадилар. 1,5 мингдан кўпроқ компанияларни бирлаштирган округ кенгашлари семинарлар ўтказадилар, тадбиркорларни ўқитадилар, кичик фирмалар фаолиятини ташкил қилиш бўйича маълумотнома-қўлланмалар тузадилар.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида кичик бизнесни ривожлантириш учун 330га яқин махсус узоқ, ўрта ва қисқа муддатли дастурлар амалга оширилмоқда. Бунда мазкур дастурнинг ярмидан кўпроғи иқтисодиётнинг турли соҳаларида кичик бизнесни шакллантириш мақсадида турлича кредитлаш ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш, табақалаштирилган солиқ, солиш шаклида амалга оширилади.

Японияда ҳам кичик бизнес сезиларли роль ўйнайди. Бунга кичик ва ўрта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ривожланган тизими яратилганлиги имкон берди. Шу нарса диққатга сазоворки, Япония қонунчилиги кичик ва ўрта корхоналарни улар ривожининг барча босқичларида имтиёзли қарз ва кредитлар бериш, турли солиқ, имтиёзларидан фойдаланиш, техника ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш, ахборот хизматини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш асосида рағбатлантиришни назарда тутди. Япония саноатининг бу секторида кичик бизнес шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил солиқ, имтиёзлари ва пухта молия сиёсати билан бир қаторда кичик корхоналарга кредит берувчи хусусий банкларга бериладиган кафолатлар тизимидир.

Жанубий Корея, Сингапур ва Гонконгда кичик ва ўрта корхоналарга зарур капиталнинг 50 фоизгачаси давлат томонидан берилган, шунингдек давлат узоқ, муддатли кредитлар бўйича фоизлар суммасининг ярмини тўлашни ҳам ўз зиммасига олган. Қуйидагилар ҳам кичик корхоналарни қўллаб-қувватловчи муҳим тадбирлар турига киради:

хомашё ва асбоб ускуналарни қатъий баҳоларда етказиб бериш кафолатланган давлат хариди.

Лотин Америкаси мамлакатларида кичик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни турли молия-кредит муассасалари: Перуда Ривожланиш молия корпорацияси, Боливияда Лос ва Андес Омонат кассаси ва Бирдамлик банки, Уругвайда Миллий ривожланиш корпорацияси, Колумбияда миллий Кафолат фонди ва бошқалар қўллаб-қувватлайдилар.

Кичик тадбиркорлик сектори турли мамлакатлар иқтисодиётида ниҳоятда муҳим вазифани бажармоқда. Ушбу сектор бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлайди, ишлаб чиқаришда чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади. Зеро, буларсиз юксак самарадорликни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Масалан, АҚШда турли йўналишдаги 19 млн.дан ортиқ мустақил фирманинг 90 фоиздан зиёди майда корхоналардир. Японияда ўрта ва кичик корхоналар таркибига кирадиган 10 млн.дан ортиқ мустақил компаниялар мавжуд бўлиб, уларнинг 99 фоизи кичик бизнес секторида фаолият кўрсатар экан, АҚШ ва Японияда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиғи ана шундай корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда.

АҚШда янги ишчи ўринларининг 3 дан 2 қисми майда фирмаларда ташкил этилмоқда. Масалан, 1970 йилда 264 мингта, 1980 йилда 532 мингта, 1988 - 1990 йилларда 682 мингта кичик корхона ва фирмалар ташкил топиши аҳолини иш билан таъминлашда катта имконият яратди. Хуллас, кичик бизнес АҚШ тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда Буюк Британиянинг ҳам ўзига хос йўналиши бўлган. 1970 йилда ҳокимиятни бошқарган Э.Хито кичик бизнесга жиддий аҳамият берган ва 1971 йил Болтон комиссиясини тузган. Комиссияга кичик бизнеснинг аҳолини ўрганиб боришни ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар киритишни топширган. Натижада, кичик ва ўрта бизнес тараққиёти учун энг қулай шароит яратилган. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур йилларда ташкил

топтан кичик ва ўрта бизнес фаолияти билан шуғулланувчи фирмалардан 96 фоизининг ҳар бирида ишчилар сони 20 нафардан ошмаган. Умуман, ривожланган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 70-90 фоизи кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланади.

Германия саноат ишлаб чиқаришининг экспортдаги энг катта улуши билан ажралиб турадиган давлатлар сирасига киради. Мазкур мамлакат товар айланиши бўйича Европада биринчи ўринда туради. Унинг тажрибасидан ўрганиб, ҳаётга татбиқ этса арзийдиган жиҳатлар жуда кўп. Аниқ, пухта, ўз вақтида, бекаму-кўст бажариш билан бирга доимо ҳар қандай талабга ҳозир бўлиш каби қоидалар шундай жиҳатлардан саналади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида эндигина ўз фаолиятини бошлаган тадбиркорнинг бу қоидаларга эътибор бериши сифат кўрсаткичлари ошиши ҳамда ортиқча харажатлар камайишига олиб келади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омили, иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига тез мослаша оладиган, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб қиладиган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган хўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини изчил ривожлантириш натижасида аҳолини янги иш жойлари ва даромад манбаи билан таъминлаш, жойларда ташаббускорликни рағбатлантириш орқали аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Шу боис, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, ички бозорни нисбатан арзон ва сифатли зарурий товар ва

хизматлар билан тўлдириш, янги ишчи ўринларини яратишга, шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш орқали мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда биз турли манбаларни ўрганиш асосида ривожланган ва ривожланиш босқичига кираётган бир неча хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида улардан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салмоғини оширишга тадбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятига эга бўлган мажмуавий комплекс тузилма бўлиб, бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонуний асослаб қўйилган ҳамда тадбиркорлар имтиёзли суръатда кредит ресурслари имкониятларидан фойдаланадилар. Имтиёзли солиқ тўлаш имкониятларига эга, ишлаб чиқариш, молия, фан, бозор инфратузилмасидаги жами афзалликлар ва янгиликлардан, ўзларига манфаатли бўлган иқтисодий ўсишга кўмаклашувчи барча омиллардан фойдаланадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, бирор бир мамлакатда давлат кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир мақсадли ва қатъий иқтисодий сиёсат юритар экан, албатта ўз ҳудудида яшовчи аҳолининг иқтисодиётдаги тузилмаларининг ўзига хос хусусиятларини, менталитетини ва шу каби бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиши зарур .

Масалан, Германияда давлат қишлоқ жойларида цехлар кўринишидаги кичик-кичик ишлаб чиқариш хўжаликларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича қарорлар қабул қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг маълум бир экин турига ёки ўсимликка ихтисосланмаганлиги, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, истеъмол молларининг ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилишига катта аҳамият бермоқда. Японияда эса кичик ва йирик

кооперация тармоқларини шакллантириш, майда ва ўрта бизнес имкониятларини ривожлантириб, йирик корхоналар тизимини яратишга, ташқи бозорларда япон маҳсулотларининг, япон технологиясининг кадр-қимматини оширишга алоҳида эътибор берилган бошланди.

Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда ҳам даставвал кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Қисқа муддатда Европа иқтисодиётининг асосий устунларидан бирига айланган Германияда ўтказилган қатъий давлат сиёсати натижасида мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ривожлантирилди ва урушдан кейинги йиллар мобайнида кичик бизнес таракқиёти 10 фоиздан 65 фоизгача етди.

Япония ҳам иқтисодиётда кичик бизнесни жадал ривожлантириши натижасида “япон мўъжизаси”ни яратиб, дунёда бу борадаги энг юксак натижаларни қўлга киритди, яъни, Японияда аҳоли жон бошига 38000 АҚШ доллари ҳисобида даромад кела бошлади, холбуки, кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги ислохотлар бошланишидан аввал бу кўрсаткич атиги 600 АҚШ долларини ташкил этарди, холос. Жаҳон саноатида етакчи ўринда турадиган Япониянинг «Ямаха» трансмиллий компанияси бутун дунё бўйича йилига бир неча ўн миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқармоқда, холбуки мана шу “наханг,, компания ҳам ўз фаолиятини 40-йиллар охирида 7 нафар одам ишлайдиган велосипед тамирлашни амалга оширувчи кичик кооператив (устахона) шаклида бошлаган эди.

2000 йилларгача ўтган 20 йил (1980-2000 йй.) давомида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ўз иқтисодиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш асосида ташкил этиши натижасида мамлакат иқтисодий, сиёсий ва давлат инқирозидан кўп кўрсаткичлар бўйича чиқиб кетди ва жаҳон таракқиётида ўзининг муносиб ўрнини топди. Ютуқлар шу даражада қойил қоларлики, глобал иқтисодий таҳлил марказлари ҳисобланган Бутунжаҳон банки ва Халқаро Валюта

Жамғармасининг тан олиб айтишича, бундай “тараққиёт тезлиги”да Хитой иқтисодий ривожланиш абсолют кўрсаткичлари бўйича 2015-2020 йилларга келиб, АҚШ ва Япониядан ўзиб кетиши мумкин. Кейинги 20 йил давомида ХХРнинг ЯИМ бир неча баробар ўсиб, 1998 йилда 8 трлн. юан (тахминан 1 трлн. АҚШ доллари)га етди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад 16 марта – 184 юандан 2972 юангача, аҳолининг пул жамғармалари 254 мартага (450 млрд. АҚШ долл.) ошди. Бу даврда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 10 фоизни, жумладан, саноатда – 15,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида 7 фоизни ташкил этди. Бу эса давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлайдиган улкан ички инвестиция жамғармасининг шаклланишига асос бўлди.

ХХР иқтисодиётининг жадал ривожланишининг асосий сабабларидан яна бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва химояланишидир. Бунинг тасдиғи сифатида шуни кўрсатиш мумкинки, 1979 йилдан ҳозирги вақтгача Умумхитой халқ вакиллари йиғини (УХВЙ) ва УХВЙ Доимий қўмитаси томонидан 328 та қонунлар кўриб чиқилиб, улар бўйича шарҳ ва қарорлар қабул қилинган. Давлат кенгаши орқали ХХР ҳукумати молиявий-иқтисодий ва бозор муносабатларининг турли жиҳатларини тартибга солувчи 700 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар чиқарди.

Хитойда иқтисодий ислохотлар ва модернизациялашнинг ажойиб ва оригинал жиҳатларидан яна бири бу “очик” иқтисодий сиёсатнинг олиб борилишидир. Бу сиёсат ўз аксини шунда намоён қиладики, мамлакатда махсус иқтисодий зоналар ташкил этилган, 14 та йирик денгиз портлари ва шаҳарлар очик деб эълон қилинган. Бутун Хайнань провинцияси (шу ном билан аталувчи оролда жойлашган) майдони махсус очик иқтисодий ҳудуд деб эълон қилинди. Шанхайда Пудун янги иқтисодий раёни ташкил этилди ва х.к.

Очиқлик сиёсати эса, аввало, мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини халқаро амалиёт талаблари асосида олиб бориш имконини

берди. Натижада ташқи савдода ислохотлар амалга оширилди, валюта тушуми харажатларини режалаштиришга чек қўйилди, мунтазам ва босқичма-босқич равишда божларнинг умумий миқдори камайтирилиб борилди. Хорижий капитал қўйилмалар учун Марказий банк ва давлатнинг ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларини белгиловчи комплекс тизим яратилди.

“Очиқлик сиёсати” ва қулай инвестицион иқлимнинг яратилиши Хитойни иқтисодиётга чет эл капиталини киритиш бўйича АҚШдан кейинги, иккинчи марказга айлантирди. Ислохот йилларида Хитойда 370 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ чет эл капиталидан фойдаланилган. Хорижий капитал иштирокида 300 мингдан зиёд инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга эришилган. Бунда 17,5 млн киши банд бўлган.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Жанубий Корея, Исроил, Малайзия ва Иордания давлатларида ҳам фойдали тажрибалар тўпланган.

Сўнги йилларда Исроил давлати кичик бизнес ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиб, 1998 йилда кичик бизнес ривожлантириш бўйича 64 та марказ ташкил этилди.

Иорданияда кичик майда ишлаб чиқарувчилар иқтисодиётнинг нотартиб сектори деб аталадиган секторни ташкил этадиган хўжалик субъектларидир. Унга қуйидагилар киритилади:

- банд бўлган ходимлар сони 9 кишидан ортмайдиган майда саноат корхоналари, шунингдек, техникани таъмирлайдиган ва хизмат кўрсатадиган устахоналар;

- цех ва уйларда амалга ошириладиган, ёлланма ва оила меҳнатидан фойдаланиладиган ҳунармандчилик ишлаб чиқариши;

- уй хизматкорлари, хайдовчилар, юк ортувчилар, коровулар, ошпазлар ва бошқаларни ўз ичига олган шахсий хизматлар соҳаси;

- майда чакана савдо ва маиший хизмат кўрсатишни ўз ичига олган майда анъанавий хизмат ва анъанавий транспорт соҳаси.

Шу пайтгача бозор таркибида банд бўлганлар сони бўйича нотартиб сектор кичик корхоналар соҳасидан бир ярим баравар кўп бўлиб, устунлик қилиб келади.

Иорданияда майда товар ишлаб чиқаришининг, замонавий меҳнат курулларини чиқариш ва таъмирлаш, электр маиший ва радиоэлектрон техника, тиббий ускуналар, автотранспортни таъмирлаш тармоқлари ва хоказолар тобора кенг тарқалмоқда. Бу тармоқлар йирик шаҳарларда кўпроқ ривожланган. Анъанавий тармоқларнинг асосий қисми эса кичик чекка шаҳарларда жамланган. Таъмирлаш тармоқларида конвейер тизими қўлланадиган устахоналар устунлик қилади. Унда муайян ишчиларнинг изчиллик билан бажарилган қўшма меҳнати натижаси сўнгги маҳсулот ҳисобланади. Бундай муассасалар кўпинча кичик хусусий корхоналарга айланади.

Майда ишлаб чиқариш қишлоқ-шаҳар йўналишида кўчиб юришни секинлаштиради. Чунки асосий корхоналар учун хом ашё аввал уни тайёрловчи деҳқонлардан қишлоқдаги ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи касаначи усталарга ва улардан кейингина у тугал қайта ишлайдиган корхоналарга келади. Рақобат шароитида бундай кўп босқичли алоқалар деҳқонга ва шаҳар вакилига қўшимча маблағлар олиб келади.

Иорданияда илмий-техника ютуқларининг тарқалиши ва трансмиллий компанияларнинг кириб келиши майда ишлаб чиқаришнинг замонавийлашиши, уни ишлаб чиқаришнинг замонавий асбоблари ва воситалари билан таъминланишига олиб келди. Бу эса янада замонавийроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш имконини берди. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқарувчиларнинг асосий қисми янги ишлаб чиқариш воситаларининг қимматлиги туфайли бугунги кунгача ишлаб чиқаришнинг анъанавий воситаларидан фойдаланади.

Замонавий ишлаб чиқаришларда техника билан таъминланиш ва энергиядан фойдаланиш даражаси анъанавийга қараганда юқорироқдир. Анъанавий майда товар ишлаб чиқарувчилари айланма маблағлари тузилмасида машина ва ускуналарнинг қиймати эмас, балки хом ашёнинг қиймати кўпроқ улушни ташкил этади. Бу эса гилам тўқиш, чарм ва муйнадан, рангли металллардан, сунъий ва табиий қимматбаҳо тошлардан ишланган буюмлар ишлаб чиқариш учун хосдир. Бундай тармоқлар учун айланма маблағлар миқдори асосий айланма маблағлар миқдоридан 25-30 барабар ошади.

Шу тариқа, Иорданияда ривожланишнинг мураккабликлари ва бир хил эмаслигига қарамай, майда ишлаб чиқариш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тузилмасининг муҳим қисми ҳисобланади. У жамиятнинг хўжалик тузилмасини кўп жиҳатдан белгилайди ва кичик тадбиркорликнинг асосий негизини ташкил этади. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида асосий истеъмол товарларига бўлган эҳтиёж ўртача ҳар тўққиз ойда ўзгариб туриши кузатилган. Шунини ҳисобга олсак, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг афзалликлари янада яққол, ёрқинроқ намоён бўлади. Яъни улар иқтисодий тараққиётнинг мустақкам ва равион йўлга тушиб олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Қуйидаги жадвалда турли хорижий мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Статистик маълумотларда қайд этилишича, ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50-67 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АҚШда 50-52 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни, Японияда 52-55фоизни ташкил этади. МДХ мамлакатларида эса кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан паст кўрсаткични ташкил этмоқда.

Японияда барча компанияларнинг 99,6 фоизи, сотилган маҳсулотнинг 55 фоизи ва саноатда банд бўлганларнинг 80 фоизи кичик ва ўрта корхоналар улушига тўғри келади. Бундай юқори курсаткичлар

кўпчилик тадбиркорларнинг кичик бизнесга жалб этилганлигидан далолат беради. Мазкур мамлакатда кичик бизнес соҳаси жуда кўп корхоналарни (уй хўжалигидан бошлаб то замонавий техникалар билан қуролланган фирмаларгача) қамраб олади.

1.1-жадвал

Дунёнинг баъзи мамлакатлари иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни⁴² (2010 йил 1 январь ҳолатига)

Мамлакатлар	Кичик бизнес корхоналари сони		Кичик бизнес улуши, фоиз ҳисобида	
	минг дона	минг киши ҳисобига	жами иш билан бандлар сони	ялпи ички маҳсулот
АҚШ	19266	71,0	53	49-51
Европа Иттифоқи мамлакатлари	14981	46	74	64-65
Буюк Британия	2917	46	49	55-53
Германия	2229	37	46	53-54
Италия	3917	68	73	58-60
Франция	1889	35	54	55-60
Япония	6434	49,6	78	52-55
Россия	834,4	6,3	9,7	10-12

Айтиш жоизки, мазкур давлатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнига XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб муносиб баҳо бериб, унга бўлган эътибор янада кучайтириб келинган.

⁴² «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2010 г. - 21 с.

Кўпгина хорижий мамлакатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш сиёсатида кичик ва йирик корхоналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш тенденцияси амалда қўлланилади. Масалан, АҚШ қонунчилигида “500 минг доллардан ортиқ миқдордаги тўғрисида-тўғри федерал битим тузишда йирик фирмалар бу битим бўйича бажариладиган ишларнинг маълум бир қисми (фоизи)ни кичик корхоналарга бериши (яъни улар орқали бажариши) шартлиги белгилаб қўйилган».

Бу қонунга риоя этишни эса «Кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият» томонидан назорат қилиб борилади. Шунингдек, турли хил ташкилот ҳамда йирик корхоналарнинг кичик корхоналарга молиявий ёрдам беришга қизиқишини ва манфаатдорлигини ошириш учун «Кичик бизнес ишлари маъмурияти» кичик бизнес корхоналарини кредитлашда кредиторларга кредитни тўлай олмаслик хавфини камайтириш мақсадида заём капиталининг 90 фоизигача давлат кафолатини беради (суғурталайди). Бундай сиёсатни амалда тадбиқи туфайли кейинги йилларда йирик корпорацияларнинг ўз фаолиятларида кичик бизнес корхоналарига алоҳида ишлар ва хизматлар турларини бериш орқали юксалишга эришмоқдалар. Чунки, уларнинг бажарилиши айнан кичик корхоналарда сифатли ва самарали бўлмоқда.

“Иқтисодий ривожланиш миллий кенгаши” томонидан мунтазам равишда кичик фирмаларнинг ихтисослашган каталоги чиқарилиб, бу орқали эса йирик компаниялар ўзларининг кичик бизнесдаги потенциал ҳамкорларини танлаб олишларига имкон яратилади. Шунингдек, кичик ва йирик бизнес ўртасидаги алоқани ўрнатишни амалга оширувчи махсус марказлар яратилган. Кичик бизнесга катта ёрдам берадиган ташкилот ва йирик компаниялардан: Савдо ва саноат вазирлигининг, «Дженерал электрик», “Нешил компьютер” фирмаларининг ахборот марказларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

**Баъзи ривожланган мамлакатларида кичик ва ўрта бизнес
ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (фоизда)⁴³**

Давлатлар	Кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши	Кичик ва ўрта бизнеснинг умумий бандликдаги улуши	Жами корхоналар таркибида кичик ва ўрта бизнес корхоналари улуш
АҚШ	52	50,1	97,6
Канада	43	47	99,8
Япония	51,6	69,5	99,2
Германия	57	69,3	99,3
Франция	49,8	56,6	97,6
Италия	55	71,0	99,2
Буюк Британия	52	55,5	99,1

Японияда барча кичик саноат фирмаларининг 60 фоиздан кўпроғи йирик фирмалар билан субподряд асосида ишлайди. Корхона – субподрядчи турли масштабдаги субподряд компанияларга кирувчи йирик компанияларнинг ярим мустақил аъзолари бўлиб, бу субподряд компаниялар ўз навбатида марказий компаниялар атрофида гуруҳланган бўлади.

Субподрядчилар ўз маблағ (капитал)лари ҳисобидан технологик жараёнларнинг салмоқли қисмини ташкил этадилар, деталлар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчилар ҳисобланадилар, тайёр маҳсулотларнинг таъминотини таъминлайдилар. Таъкидлаш жоизки, “Сонй” корпорациясининг фақат ўзи бевосита технологик режада 1100 дан кўпроқ кичик корхоналар билан ишлайди. Бундай тенденциянинг ривожланиши

⁴³ «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среди бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2010 г. - 21 с.

солиқ тўлаш тизимида қонунда кўзда тутилган имтиёзлар бўйича бу кичик корхоналар учун “кам бўлмаган даражада” фойда олишга сабаб бўлмоқда⁴⁴.

Хорижий мамлакатлар тажрибаларида, **биринчидан**, ривожланаётган мамлакатларда муҳим иқтисодий омиллардан бири, бу кичик бизнес ривожига бўлиб, бу борадаги ҳар қандай умумманфаатини кўзлаган самарали фаолиятлар давлат аҳамиятига эга бўлади ва қўллаб-қувватланади. Зеро, кичик бизнес фаолияти ўсиб, янада самарали бизнесга айланиши, мамлакат ички бозорини товар ҳамда хизматлар турлари билан тўлдириши, шу тариқа экспорт салоҳияти ривожига ҳисса қўшилиши, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси ечилишига кўмаклашуви, аҳолининг реал даромади ўсишига, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини юксалишига олиб келади.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида, жаҳон бозорида рақобат кучаяётган бир пайтда, йирик корхоналардан кўра айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида рақобатга дош бериш, маневрлар қилиш, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш каби иқтисодий чора тадбирлар кўриш осон кечади.

Кўриниб турибдики, хорижий мамлакатларда кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ривожланган тизими мавжуд бўлиб, бу ҳол рақобатнинг кучайиши шароитида ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бу эса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг тўлақонли ривожланганлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон амалиётида ҳамда ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишда ва мулкдорлар синфини

⁴⁴ Малый, средний и частный бизнес. Ежеквартальный информационный бюллетень для предпринимателей. Республиканская научно-техническая библиотека. ГФАГИ. 2009.


шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқламоқда. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодий ҳаётда тутган ўрнига, унинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилмоқда.

2. Ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва йўналишлари истиқболларини башоратлаш

Башоратлаш жамият ҳаётининг барча соҳаларида назария билан амалиёт орасидаги энг муҳим алоқаларни боғловчи бўғин ҳисобланади. Унинг ёрдамида турли ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш йўналишлари ҳўжаликка жалб қилиниши мумкин бўлган фойдали қазилмалар захиралари, қувватли меҳнат ресурслари, аҳолининг сони аниқланади. Шунингдек, илмий техника тараққиётининг энг самарали йўналишлари, халқ истеъмол товарларига талабларнинг ўзгариш йўналишлари ва шартномаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиш зарур бўлган қатор бошқа омилларга ойдинлик киритилади. Башоратлаш объектни ривожланиш йўналишларини таҳлил қилиш асосида уни ривожланиш жараёнларининг шаклланишига йўналтирилган инсон онгли фаолияти туридир. Башоратлаш иккита саволга жавоб бериш керак:

- 1) Келажакда барча кутилиши мумкин бўлган эҳтимолликлар нимада?
- 2) Берилган мақсадга эришиш учун қандай шарт-шароитлар ўзгариши керак?

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни башоратлаш, иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш масалалари билан иқтисодий идоралар шуғулланишмоқда. Аммо ҳали бу соҳада олиб борилаётган назарий ва амалий ишларда анчагина муаммолар мавжуд бўлиб, бу олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини кучайтиришни талаб этмоқда.



2.1-расм. Минтақа ҳудудларидаги тадбиркорлик ривожланишини башоратлаш тизими²⁰

Юқоридаги ишлаб чиқилган тизимдан келиб чиққан ҳолда Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг башоратлаш вариантлари учун сценарий шарт-шароитлари белгиланади. Хусусан, булар вилоят туман ва шаҳарлари ўртасидаги нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишидаги номутаносибликларни йўқотиш; туман ва шаҳарларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бир хил суръатларда изчил ривожланишини таъминлаш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

²⁰ Муаллиф ишланмаси

субъектларини ривожлантиришда табақалаштирилган ёндашувни қўллашдан иборат.

Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳудудий таркибини шакллантириш ва ривожлантиришнинг қуйидаги стратегик йўналишлари ажратиб кўрсатилади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нисбатан кам ривожланган туман ва шаҳарларга инвестиция жалб этишни кўпайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик паст даражада ривожланган туман ва шаҳарларда табиий-иқтисодий имкониятларни, экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда инфратузилмани сифат жиҳатидан такомиллаштириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий фаолиятини бой маҳаллий минерал, иссиқлик-энергетик ва бошқа ресурсларга асосланган ҳолда диверсификациялаш.

Баён қилинган шарт-шароитлар ва йўналишлар асосида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва таркибий қайта қуриш иккита босқичга ажратилади. 2009-2012 йилларни ўз ичига олган **биринчи босқичда** вилоятда мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан юқори даражада фойдаланган ҳолда ҳудудий номутаносибликларни камайтириш ва унинг ЯХМдаги улушини 60-70 фоизга етказиш вазифалари ҳал қилинади.

Иккинчи босқич 2012-2015 йилларни ўз ичига олади. У кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят иқтисодиётидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, кичик ва йирик бизнес субъектлари ўртасидаги синергетик самараларни, кооперацион алоқаларни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни вилоят иқтисодий ривожланишининг, иқтисодий ўсишнинг барқарор манбасига айлантириш билан тавсифланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ишлаб чиқариш

имкониятларини ташкил қилувчилари ва соҳа тараққиётидаги муаллиф таснифлаган асосий омиллар таъсири аниқланади.

Башоратнинг 2 тури мавжуд: стратегик ва норматив (меъёрий).

Стратегик прогноз – бунда келажакда ҳодисаларни қандай ҳолатда бўлиши мумкинлигини аниқлаш. Ушбу прогноз: мавжуд тенденцияларни сақлаб қолган шароитда қандай юзага келишнинг эҳтимоли кўпроқ, деган саволга жавоб беради.

Меъёрий (норматив) прогнозда – қуйилган мақсадга эришиш йўллари ва муддатларни аниқлайди. Яъни бунда мақсадга эришиш учун олдиндан ишлаб чиқилган меъёр, идеал, вазифаларни қўллаган ҳолда башорат қилиш (прогноزلаш). Ушбу башорат: мақсадга қандай йўллар билан эришиш мумкин, деган саволга жавоб беради.

Норматив башоратлар минтақавий иқтисодий бетафсилроқ ёритиб беради. Модель асосини прогноз ҳисоб китобларида қўлланиладиган, минтақанинг муҳим тизимларини акс этадиган, экзогенли ҳисоб – китоб параметрлар тизими ташкил ташкил этади.

Ҳозирги вақтда республикада ва чет эл минтақавий иқтисодий тадқиқотларда кўпроқ эконометрик турдаги экстраполяцион – статистик моделлар кўпроқ ўрин эгаллаб келмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кўрсаткичларининг ишлаб чиқилган таҳлил ва прогнозни эконетрик моделини таърифлаш учун қўйидаги белгиларни киритамиз:

$$\epsilon_t = Y \epsilon_t^l; \quad \epsilon_t = Y \epsilon_t^{pv}; \quad \epsilon_t^{sd} = \epsilon_t^s / N_t^s; \quad \epsilon_t^{gd} = \epsilon_t^g / N_t^s;$$

$$\epsilon_t^\phi = \epsilon_t^\phi * I_\phi(t); \quad V_t^{pv} = V_t^{pv} * I_\phi(t) \quad 2.1$$

бу ерда:

ϵ_t – t йилдаги жами маиший хизмат, минг сўм

ϵ_t^ϕ – t йилдаги ϕ – турдаги маиший хизмат, минг сўм

V_t^{pv} – t йилдаги g - территориядаги маиший хизмат, минг сўм

ϵ_t^{sd} – t йилда қишлоқ аҳолиси жон бошига тўғри келадиган маиший хизматлар ҳажми, сўм

e^s_t - t йилдаги қишлоқдаги маиший хизмат, минг сўм

N^s_t - t йилдаги қишлоқ аҳолиси сони

e^{gd}_t - t йилдаги шаҳар аҳолиси жон бошига тўғри келадиган маиший хизмат хажми

e^{ϕ}_t - t йилдаги ишловчилар сони, киши

$I_{\phi(t)}$ - t йилдаги ϕ – турдаги пулли хизматларнинг нарх индекслари.

Прогноз ҳисоб – китобларни янада такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири, бу – илмий асосланган меъёр ва нормативлар бўйича аҳолининг хизмат кўрстиш соҳаларига бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини аниқловчи норматив ёндошишни қўллаш ҳисобланади.

Истикбол учун ишлаб чиқилган илмий – асосланган эҳтиёжлар нормаси аҳолининг ҳозирги кундаги статистик услуб билан ҳисобланган талаби билан таққослаш учун андоза ҳисобланади. Бундай таққослаш, энг аввало, иқтисодий механизмларни (ричагларни) бошқариш учун зарур, бу эса ўз навбатида, талабни мос равишда рационал истеъмол ҳақида ишлаб чиқарилган гипотезага олиб келади.

Ижтимоий ривожланиш дастурини амалга оширилиши маҳаллий ва марказий молиялаштириш ҳисобига ижтимоий соҳа элементларинг ривожланишини ва шаклланишини талаб этади.

Ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишда ижтимоий соҳа объектлари билан таъминланганлик даражаси эътиборга олинади. Худуднинг ижтимоий дастури таркибига уй – жой, савдо, маиший хизмат, халқ таълим, маданият, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлашни ривожлантириш дастурларини қамраб олади.

Уй – жой дастурини ишлаб чиқишда аҳолининг кўпайиш прогнози Δg ва аҳоли жон бошига уй – жой билан таъминланиш нормативлари h_n асос қилиб олинган.

Қурилиш учун зарур бўлган майдон қўйидагича аниқланади: мавжуд бўлган майдондан N ҳисобдан чиқарилган уй – жой фонди J айирилади ва аҳоли кўпайиши ҳисобига уй - жой бўлган талабнинг ўсиши

ΔH қўшилади. Ўй – жога бўлган талабнинг ўсиши ΔH аҳоли ўсиши ΔG ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй – жой таъминоти нормативининг ҳосиласи h_n ёрдамида аниқланади:

$$P = H - J + \Delta H, \quad \Delta H = h_n \Delta G \quad 2.2$$

Аҳолининг уй – жой билан таъминланганлик даражаси H норматив h_n ва ҳақиқатдаги h_ϕ аҳоли жон бошига тўғри келадиган туй – жой билан таъминланиши ўртасидаги фарқ ва аҳоли сонининг ΔH ҳосиласи билан аниқланади.

$$H = (h_n - h_\phi) * \Delta H$$

Чакана савдо ва умумий овқатланиш муассасаларига бўлган эҳтиёж P қўйидагича аниқланади: мавжуд майдондан A ишдан чиққан савдо майдонлари ва ўринлари ΔA айирилади ҳамда аҳолининг ўсиши ҳисобига ортаётган талаб ва янгитдан курилатганлар ΔA қўшилади. Савдо майдонлари ва ўринларга бўлган талабнинг ортиши эса ΔA 10000 кишининг рационал таъминланганлик нормативи ва аҳоли сонининг ўсишининг кўпайтмаси билан аниқланади ΔH

$$P = A - \Delta A + \Delta A; \quad 2.3$$

$$\Delta A = 0,0001 + a_n \Delta H$$

Ҳудуднинг савдо корхоналар тизими билан ҳақиқий таъминланганлик кўрсаткичи норматив a_n ва ҳақиқий a_ϕ савдо майдонлари билан таъминланганлик кўрсаткичларнинг фарқи ва аҳоли сони билан аниқланади. Ушбу кўрсаткичнинг алгоритмини қўйидагича тасвирлаймиз

$$\Delta A = 0,0001(a_n - a_\phi) \Delta H \quad 2.4$$

Умумтаълим мактаблар ва мактабгача бўлган муассасаларда ўринларга бўлган талабни аниқлашда U мавжуд бўлган ўринлар сонидан ишдан чиқиши мумкин бўлган умумтаълим мактаблар ва мактабгача бўлган муассасалар сони V айирилади ва иккинчи сменада ўқийдиган ўқувчилар сони ΔV_3 , аҳолининг умумий ўсиши ΔH ҳисобида мактаб C_1 ва мактабгача C_2 бўлган болалар сони инобатга олинади. Ушбу ҳисоб қўйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$U = B - b + \Delta B_9 + \Delta B_3 \quad 2.5$$

Аҳолининг ўсиши ҳисобига $\Delta Ч$ мактабдаги ўринлар (ΔB_9 , 9 қ 2) мактаб ёшдаги болалар ҳиссасини r_1 аҳолининг ўсишига кўра $\Delta Ч$ кўпайтирилади

$$\Delta B = r_1 \Delta Ч \quad 2.6$$

мактабгача бўлган болалар учун ўринлар сони (ΔB_r , гк2) аҳолининг ўсиши ҳисобида ушбу ёшдаги болалар ҳиссаси билан аниқланади

$$\Delta Ч = r_2 \Delta Ч \quad 2.7$$

Соғлиқни сақлаш муассасаларга бўлган талаб D эса қўйидагича аниқланади:

$$D = D_k - D_\phi - D_v \quad 2.8$$

D_k – рационал норма бўйича зарур бўлган касалхонадаги ўринлар сони

D_ϕ – ҳақиқатда мавжуд бўлган ўринлар сони

D_v – ишдан чиқиши мумкин бўлган муассасалар сони

$$D = 0,0001(Ч + \Delta Ч)$$

$$D_b = D / D_p$$

Шундай қилиб, юқорида ишлаб чиқилган алгоритмлар мажмуаси минтақавий тизимнинг уй – жой ва ижтимоий дастур кўрсаткичларини асослашга имкон берувчи, ижтимоий ҳаракатларни муҳим (стратегик) йўналишларни аниқлашга имкон беради. Ушбу алгоритмлар Microsoft Acces ни қўллаган ҳолда Pentium классдаги ПЭХМларда амалга оширилган. Янги шароитдаги ижтимоий ривожланиш дастур ишланмаларнинг натижалари ва принциплари, энг аввало, савдо, маиший хизмат, халқ таълим, маданият, транспорт ва соғлиқни сақлаш соҳаларида намоён бўлади.

Кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантиришни ва қўйидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишни белгилаб беради:

– кичик бизнес ва хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича дастур ва лойиҳаларни

давлатнинг бош ислохотчилигига асосланиб, босқичма-босқич амалга оширишни давом эттириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўз ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланишига эришиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат муҳитини янада яхшилаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг техникавий қайта қуроллантириш ва янги технологияларни жорий этиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш ва қайта ўқитиш асосида улар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳудудий ва тармоқ таркибларини яхшилаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор шакллари қўллаш;

– қисқа муддатда қопланувчи инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва тузилмавий силжишлар асосида экспортни рағбатлантириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилиши лозим. Бунинг учун кичик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг товар ва хизматларини ташқи бозорда муваффақиятли сота оладиган махсус ташқи савдо ташкилотларини ривожлантириш; сифатни бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш йўли билан товарлар рақобатбардошлигини ошириш; экспортга чиқарилаётган юкларга транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

3. Хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Бугунги кунда хизмат соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, аҳоли

фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари ҳисасини оширишга кўплаб шарт – шароитлар яратилмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айти мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ»²¹.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб – қувватланаяпти. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини таёрлаш вазифаси топширилади.

Бозор инфратузилмасини яратиш, тадбиркорларни ўқитиш, имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аралашишни чеклаш кабилар давлат томонидан хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича кўрилатган чораларнинг фақат бир қисмидир.

Республикада, хусусан, вилоятда тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитларнинг яратилганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

²¹ И.А.Каримов. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир

1) Турли ривожланган бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда: Республика товар–хонашў биржаси, Агросаноатбиржа, Кўчмас мулк биржаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб–қувватлаш фонди, суғурта агентликлари, тадбиркорлик субъектларига консалтинг, аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатувчи «Консаудитинформ» агентлиги, муҳандислик ва лизинг фирмалари, кадрлар тайёрлаш маркази, кичик улгуржи дуконлар тармоғи ва бошқалар.

2) Чет эл кредит йўналишлари очилди ва уларни ўзлаштириш йўлга қўйилди.

3) 2002 йилда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида» ги қонун яққа ва оилавий тадбиркорлик субъектларини банкдан ташқари кредитлаш фаолиятини кенгайтиришга имкон яратди.

4) Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва «Қасаначилик тўғрисида Низом»га кўра, қасаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

5) Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.

6) Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш, малака ошириш тизимининг ривожланишини таъминлайди.

7) Тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишда ҳокимиятларда, ваколатли вазирлик ва ташкилотларда

ўрнатилган “Ишонч телефонлари” ҳамда тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган вақтида берилувчи “текширишларни қайд этиш дафтари” ижобий роль ўйнайди.

Бу имкониятлар эса ҳар бир тадбиркор учун кенг шароитлар яратилганлигидан далолатдир. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур. Тадбиркорликни юритишда тенг бўлган имкониятлар, тўсиқлар ҳалигача сақланиб турибди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини сезиларли даражада қисқартиришни кўзда тутаяди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

- инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;
- йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган қўллаб-қувватлаш давлатларида хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг улуши 50 фоиздан кам эмас ва бу бозор инфратузилмаси тармоқларини рағбатлантириш ва қувватлаш, интенсив омиллар ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш орқали таъминланади.

Юқоридаги анъанавий таҳлил усулларини кенгайтириш ҳамда бу усуллар натижаларини қисман бўлса-да қиёсий таққослаш учун Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бугунги кундаги устунликлари, афзалликлари, заиф томонлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидларни SWOT – таҳлили ёрдамида кўриб чиқдик. Истиқболда

республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Қашқадарё вилоятида тегишли чора-тадбирларни, хизмат кўрсаиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда муҳим илимий ва амалий аҳамиятини эътиборга олиб, тадқиқотмизнинг ушбу бўлимида SWOT – таҳлили натижасида натижаларини келтирамиз, (3.1 - жадвал)

3.1 – жадвал

Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг SWOT – таҳлили²²

КУЧЛИ ТОМОНЛАР	ЗАИФ ТОМОНЛАР
• кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Давлат ва ҳудудий дастурларнинг узоқ муддатга ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиниши; • қулай меъёрий – ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги; • солиқ ва божхона имтиёзларнинг мавжудлиги; • тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш механизмнинг такомиллашганлиги; • давлат ва назорат идораларининг молиявий-хўжалик фаолиятга аралашувининг кескин камайтирилганлиги; • тижорат банкларининг капиталлашув даражасининг ошганлиги	• кадрлар малакасининг жавобга бермаслиги, уларнинг бозор сирларини, конъюктурасини яхши билмаслиги; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли режаларининг асоссиз тузилганлиги; • молиявий ресурсларнинг чекланганлиги; • қулай ишбилрамонлик муҳитини шакллантириш бўйича етарли ахборотга эга эмаслиги; • пул даромадлари ва харидорлар сонининг камайиши; • талаб ва таклиф, маркетинг, бозор конъюктурасини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг ҳудудлар бўйича ўтказилмаганлиги кабилар
ИМКОНияТЛАР	ТАҲДИДЛАР
• тўловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция қўйиш истагининг мавжудлиги; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳукумат томонидан устуворлик берилиши; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бозорга тез мослашувчанлиги; • божхона назорати муддати уч йил билан чекланганлиги; • вилоятда консалтинг хизматларини кўрсатиш ва уни ривожлантириш	• баҳолар ва фоиз ставкаларнинг барқарор эмаслиги; • хорижий рақобатчиларнинг хизматлар бозорида мавқеининг ўсиши; • бошқа ҳудудлар билан хизмат бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги; • қонунчиликдаги ўзгаришларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамиша етиб келиш имкониятининг йўқлиги; • мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги;

²² Муаллиф ишланмаси

имкониятларининг мавжудлиги; • маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бозор конъюктурасини ўрганиш қўникмасининг мавжудлиги кабилар.	
--	--

Ўтказилган SWOT – таҳлили натижалари минтақадаги барча имкониятлардан, заиф томонлар ва таҳдидларни бартараф этиш, кучли томонлар ҳамда имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича самарали қарор қабул қилиш имконини беради ва шу асосида минтақада хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этишига замин яратади, деб ҳисоблаймиз.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– Вилоятнинг олис туманларида, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 – 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат курсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига қўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан-тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- Иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида кайд этилган тадбирларни амалга ошириш вилоятда хизмат соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини беради. Бу борада хорижий илғор тажрибага республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ёндашилса мақсадга мувофиқдир.

III боб бўйича хулоса

Ушбу бобни тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосага келинди:

1. Хорижий мамлакатлар тажрибаларида, **биринчидан**, ривожланаётган мамлакатларда муҳим иқтисодий омиллардан бири, бу кичик бизнес ривож бўлиб, бу борадаги ҳар қандай умумманфаатини кўзлаган самарали фаолиятлар давлат аҳамиятига эга бўлади ва қўллаб-қувватланади. **Иккинчидан**, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида, жаҳон бозорида рақобат кучаяётган бир пайтда, йирик корхоналардан кўра айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида рақобатга дош бериш, маневрлар қилиш, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш каби иқтисодий чора тадбирлар кўриш осон кечади.

2. Қашқадарё вилоятида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳудудий таркибини шакллантириш ва ривожлантиришнинг қуйидаги стратегик йўналишлари ажратиб кўрсатилади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нисбатан кам ривожланган туман ва шаҳарларга инвестиция жалб этишни кўпайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик паст даражада ривожланган туман ва шаҳарларда табиий-иқтисодий имкониятларни, экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда инфратузилмани сифат жиҳатидан такомиллаштириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий фаолиятини бой маҳаллий минерал, иссиқлик-энергетик ва бошқа ресурсларга асосланган ҳолда диверсификациялаш.

3. Ўтказилган SWOT – таҳлили натижалари минтақадаги барча имкониятлардан, заиф томонлар ва таҳдидларни бартараф этиш, кучли томонлар ҳамда имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича самарали қарор қабул қилиш имконини беради ва шу асосида минтақада хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусуси тадбиркорликнинг тараққий этишига замин яратади

Хулоса

Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган муаммоларни тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди ва бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ролининг катталиги асосланди. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш жараёни 4 босқичдан иборат эканлиги асосланди

2. Ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари тавсия этилди.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятига эга бўлган мажмуавий комплекс тузилма бўлиб, бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонуний асослаб қўйилган ҳамда тадбиркорлар имтиёзли суръатда кредит ресурслари имкониятларидан фойдаланадилар. Имтиёзли солиқ тўлаш имкониятларига эга, ишлаб чиқариш, молия, фан, бозор инфратузилмасидаги жами афзалликлар ва янгиликлардан, ўзларига манфаатли бўлган иқтисодий ўсишга кўмаклашувчи барча омиллардан фойдаланадилар. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, бирор бир мамлакатда давлат кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир мақсадли ва қатъий иқтисодий сиёсат юритар экан, албатта ўз ҳудудида яшовчи аҳолининг, иқтисодийдаги тузилмаларининг ўзига хос хусусиятлари, менталитети ва шу каби бошқа омилларни ҳам ҳисобга олинишини таъкидлаш лозим.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шароитида ўзи етиштираётган маҳсулотни реклама қилиш, ўзи жойлашган ҳудуддаги товар-хотим ашё биржалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи ва ички харидорларни излаб топиши, бунинг учун эса жаҳон бозорига чиқиш имконини берувчи глобал ахборот тармоқларига уланишни ўз олдига вазифа

килиб қўйишлари керак. Бунинг учун фермер хўжаликларида маҳсулотларни сақлашган мослаштирилган омборхоналарни қўриши ёки жойларда бу вазифаларни амалга оширадиган марказлашган сервис хизмати кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этиш лозим. Шунингдек, Республика “фермер хўжаликлари уюшмаси”, “монополиядан чиқариш, рақобат ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш”

7. Аҳоли ва тадбиркорларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, банклараро рақобат муҳитини шакллантириш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг янги турларини ривожлантириш, микрокредитлар берилишини сезиларли даражада кенгайтириш лозим.

8. Тадқиқот натижаларига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида инновацион жараёнларни жадаллаштириш ушбу масала билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятига боғлиқ. Шунингдек, бу соҳада инновация фаолиятини ривожлантиришга тамомила янгича ёндашувни жорий этиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқ: рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган, фан сиғими юқори бўлган юқори технологик жиҳозларни жорий этиш; кичик тадбиркорликда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг янги воситаларини яратиш; илмий-тадқиқот фаолиятини инвестициялашнинг билвосита рағбатлантириш усуллари ривожлантириш лозим.

9. Ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасининг янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– вилоятнинг олис туманларида, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 – 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат курсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик

тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайитириш лозим;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш вилоятда хизмат соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини беради. Бу борада хорижий илғор тажрибага республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ёндашилса мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2012.- 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи", 3 май 2012 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни. 23 март, 2012 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи", 2-март, 1998 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги қонунига шарҳлар. -Тошкент.: "Шарқ", 2000. – 384 б.
6. Ўзбекистон Республикаси "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон янги Қонунлари. –Т.: "Адолат", 2000.

II Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари,

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Халқ сўзи, 2005 йил, 16 июнь.
8. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Халқ сўзи, 2003 йил, 21июнь.
9. "Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010 йил 9 март.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони. –Тошкент: 2007. 19 март, ПФ-3864-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини иш билан бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. –Тошкент: 2007. 6 апрель, ПК-616-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги 616-сонли "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. – Тошкент: 2007 йил 6 апрель.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПФ-4058-сон Фармони. Тошкент: 2008 йил 2 декабрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги 1474-сонли Қарори, 2011 йил 7 феврал ;
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган 1475-сонли "Давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида"ги Қарори ;
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни қўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1501-сонли Қарори 2011 йил 11 25.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга

кўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 1513-сонли Қарори;

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4296-сонли Фармони 2011 йил 4 апрел .

III Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

19. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади ”. //“Халқ сўзи” газетаси, 20 январь 2012 йил.

20. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз- Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”: Т.: «Ўзбекистон». 2010йил

21. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон” 2009 йил.

22. Каримов И.А. «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилдик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Халқ сўзи 2005 йил, 29 январь.

25. Каримов И.А. Биз танлаган демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Халқ сўзи. 2003 й., 25 апрель. № 88

26. Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январь.

27. Каримов А.И. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. – 2015. 17 январ

IV Дарсликлар

28. Абалкин Л.И. Вызовы нового века. - М.: Институт экономики РАН, 2001

29. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X., Qurboniyozov I.R. Aholini ijtimoiy muhofaza qilish. O'quv qo'llanma. - T.: TDIU, 2010. – 268 bet.

30. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Меҳнат. 2000 й. – 268 б

31. Abdurahmonov Q.X. “Inson taraqqiyoti” (Darslik) T.: -“Fan va texnologiya” 2013, - 418 b.

32. Алимов К.А., Алимов Р.Х. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маркетинги. -Т.: Фан, 2001.- 127 б.

33. Ассель Г. Маркетинг: принципы и стратегия. М.: ИНФРА–М, 1999. –803 с.

34. Барановский М.И. Основы политической экономики 5-е изд. / П.: Издания Юридического склада «Право» 1917. – С. 39-40.

35. Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / / Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.

36. Винокуров Р.А. Экономика труда. – СПб.: Питер, 2004. – С. 64-65.

37. Восколович.Н.А. Экономика платных услуг: уче.пособ.-М.: «Экономика», 2007,-366 с.

38. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2007. – 218 б.
39. Раҳмонов Ҳ.О. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. – Тошкент “Фан”, 2008, 115 б.
40. Расулев А.Ф., Бедринцев А.К., Акилов А.Г. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 79 с.
41. Рашидов О., Болтабоев М. Концепция формирования конкурентоспособного потенциала предприятия. Экономика и класс собственников, №3, 2003, с.39-41.
42. Самадов А.Н., Останакулова Г. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. –Т.: Иқтисод- молия, 2008. -250 бет.
43. Саркисов С.Э. Менеджмент: словарь справочник. – М.: АНК ИЛ, 2005. – С. 551
44. Эмирсон Г. “Двенадцать принципов эффективности” – М.: Экономика, 1992. -С. 35-36
45. Шикова Е.Л. Экономика и менеджмент не коммерческих организаций: учебник СПб: Лань, 2004. – С. 134 – 146.
46. Шумпетер И.А. Капитализм, социализм и демократия F Пер. - с англ. - М.: Экономика, 1995. - 540 с.
47. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1992. - 483. с.
- 48.

V Қўшимча адабиётлар

49. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятни барпо этиш-устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда

ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил, 29 январда бўлиб ўтган “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув – услубий мажмуа. Т.: Иқтисодиёт, 2010 йил. – 789 б.

50. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

51. Беркинов Б.Б, Каланов Б.З, Каланова М.З, Махмудов М.Ф Экономика социальной сферы : Т: ТДИУ 2010й

52. Каланов Б.З., Каланова М.З., Мухамеджонова Г.Я “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” ўқув курси бўйича ўқув услубий мажмуа. Услубий қўлланма. “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси” тўплами. Т.ТДИУ 2008. 160 б.

53. Каланова М.З. “Местный рынок труда: изучение, оценка, предложения по улучшению использования трудового потенциала” мавзуси бўйича ишлаб чиқилган кейс – технология. Услубий қўлланма. Т.ТДИУ 2008й. 24 б.

54. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”.Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 12 б.

55. Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари// Иқтисод фанлари номзоди олиш учун дисс. автореферати. –Т. 2008 – 11 б.

56. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008. – 114 б.

57. Развитие страны и повышение благосостояния народа в условиях модернизации экономики. Монография. –Т.: Филиал ГОУ ВПО «РЭА имени Г.В.Плеханова» в г.Ташкенте, 2010. – 102 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

66. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2013.–Т.: Госкомстат Узбекистана. 2014.
67. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2013.
68. Статистическое обозрение Узбекистана.–Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009- 2013.
69. Ўзбекистон Республикасининг 2009-2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари. – Т.: Статистика давлат қўмитаси, 2013.
70. Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот ва таҳлилий шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
71. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. – Т.: Узбекистан, 2011
72. Қашқадарё вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари, 2010-2013 йиллар
73. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари, 2010-2013 йиллар
74. Maha devan R.New Curents in Productivity Analysis. Whee To Now? – APO. 2002. P-40
75. Statistical Abstract of the united states. 1980, p 441; 1983, p 394; 1986, p 410, 433; 1987. p 4224 1992 p403; 1994 p 447; 1995 p 424, 452. Цитируется по: Иноземсов В.Пародексы постщиду с триальной эканомики // МЭ и МО. 2005 №3 С. 3-4
76. Wall street Jaurnal (November 7.2005)

VII. Интернет сайтлари

77. <http://www.gov.uz>–Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.

- 78.[http://www. mehnat.uz](http://www.mehnat.uz)–Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
- 79.<http://www.mineconomy.uz>–Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг сайти.
- 80.<http://www.agro.uz>–Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти.
- 81.<http://www.lex.uz>–Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг конунчилик ҳужжатлари сайти.
- 82.<http://www.stat.uz>–Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат кўмитасининг сайти.
- 83.[http:// www.ilo.org](http://www.ilo.org) –Халқаро меҳнат ташкилотининг сайти.
- 84.<http://www.undp.uz>–Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг (ПРООН) Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси сайти.
- 85.<http://www.qashqadaryo.uz>–Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг расмий сайти.
- 86.<http://www.qashqadaryogz.uz>–Қашқадарё газетасининг расмий сайти.